O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 10 апрель, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 27(7430)

Da'vat

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir.

«Amir Temur Tuzuklari»dan.

Ibrat

May oyi oxirlarida bo'lib o'tadigan «Universiada—2002» sport musobaqalariga Buxoro shahrida qizg'in tayyorgarlik ko'rilmoqda. Shaharda o'n minglab mevali va manzarali daraxtlar ekilib, yangi bog'lar bunyod etildi. O'z qurilishiga ko'ra Markaziy Osiyoda yagona deb e'tirof etilayotgan «Buxoro» stadionida esa so'nggi pardozlash va montaj ishlari olib borilmoqda.

СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Халқни халқ, миллатни миллат қилган улкан шахслар юртимиз тарихида кўп учрайди. Улар орасида кучқудрат ва адолат тимсолига айланган улуғ бобомиз Амир Темур ҳазратларининг беқиёс ўрни бор. Дунёда яшовчи барча халқ, миллат вакиллари Амир Темурни нафақат буюк саркарда, балки, ўз даврида меъморчилигу ободонлаштириш ишларига катта аҳамият берган оқил ва доно сиёсатчи сифатида ҳам яхши билишади.

9-апрель — буюк бобомиз Амир Темур ҳазратлари таваллудига 666 йил тўлган куни пойтахтимиздаги Соҳибқирон номи билан аталувчи хиёбон эрталабданоқ ҳар кунгидан ҳам гавжум бўлди. Улуғ бобомизнинг туғилган кунини нишонлаш учун бу ерга жамоатчилик вакиллари, илм ва санъат аҳли, ҳарбийлар, шоир ва ёзувчилар талабалар ва ўқувчилар ташриф буюрдилар. Тантанани Соҳибқирон камолотга етган юртда камол топган файласуф шоиримиз, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов очар экан, Амир Темур ва унинг хизматлари ҳақида, жумладан, шундай деди:

— Бобомиз "Кимки бизнинг қудратимизга шубҳа қилса, курган биноларимизга боқсин", деб таъкидлаган экан. Соҳибқирон ҳазратларининг қайсики ерга қадамлари етган экан, у ерда бир ғишт ўрнига ўн ғишт тиклаганлар, яъни қурилиш, ободонлаштириш ишларига катта эътибор қаратганлар.

Тантанада олимлар ва ижод аҳли ҳам Соҳибқиронинг миллат олдидаги хизмати, тарихда қолган ўзига хос ўрни ҳақида йиғилганларга маълумот беришди. Шундан сўнг тантанага йиғилганлар юксак эҳтиром рамзи сифатида Соҳибқирон ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Суратларда: тантанали маросимдан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТАНДА

ЎТИШ ДАВРИ: ИРОДА ВА РУҲ ЭВОЛЮЦИЯСИ 2-бет

"УСТОЗ МУРАББИЙЛАР ҲАҚИДА ЭНГ ЯХШИ АСАР" ТАНЛОВИ 3-бет

ТАЛАБА ЯШАШИНГ ҚАНДАЙ? 4-бет

ЎҚУВЧИ КИТОБ ЎҚИМАЙДИ (ми?) 4-бет

АЁҚШ ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ? 5-бет

УЛОҚЧИ БОЛАНИНГ УЙҒОНИШИ 5-бет

СЎЗ ЎЙИНЛАРИ 6-бет

ТЕСТ ҲАҚИДА ФИКРЛАШУВ 7-бет

"2002 ЙИЛ" КРОСС-СКАНВОРДИ 8-бет

ЎҚИТУВЧИ ДАРСЛИКЛАРНИНГ ЭНГ МУКАММАЛИНИ ТАНЛАЙДИ

Таълимдаги муҳим муаммолардан бири ўқувчи учун дарслик, ўқитувчи учун "Ўқитувчи қўлланмаси" тайёрлаб етказиб беришдир. Бу дарслик ва қўлланмалар ўқитувчи, ўқувчилар талабларига тўла жавоб бериши, маълум бир муддатга хизмат қилиши лозим. Шу мақсадда ХТВ дарсликлар ва методик қўлланмаларнинг асосий таълим тафсилотлари кўрсатилган мезонлар рўйхатини белгилади. Мезонлар мундарижа, методология ва дарсликларнинг дизайнини ўз ичига олади. Шунингдек, дарсликка баҳо беришда унинг ДТСлари ва дастурга, мавзуларнинг ўқув режадаги дарс соатига мувофиқлиги; мавзулар кетма-кетлиги ва узвийлигининг таъминланганлиги; миллий истиқлол ғояларининг сингдирилганлиги; материалларнинг илмий жиҳатдан тўғри белгиланганлиги; амалиёт, теварак-атрофдаги ҳодисалар билан боғлиқлиги; тил услуби; таҳрир сифати, иллюстрациялар сони; танланган шрифтларнинг тўғрилиги ҳам алоҳида инобатга олинади.

Баҳорги таътил кунларида Қибрай туманида ХТВ ва Осиё Ривожланиш Банки саъй-ҳаракати билан тажрибали ўқитувчилар учун махсус семинар ташкил этилди. 12 кун давомида қатнашчилар Буюк Британиялик дарсликларни маслаҳатчи-мутахассис Эндро Смарт маърузаларини тингладилар, танловга тақдим этилган дарсликларни, қўлланмаларни синчиклаб ўрганиб, баҳоладилар. Унда баҳоловчиларга баҳолаш принциплари жуда қўл келди. Дарсликларни баҳолаш жараёни миллий ва катта тижорат аҳамиятига эга

Seminar

бўлгани учун барча баҳоловчилар мустақил равишда иш олиб бордилар, муҳокама қилиш, бошқаларнинг баҳосига қарашга рухсат этилмади. Ҳар бир фан учун тақдим этилган дарсликларни баҳолаш учун 5 кишидан иборат гуруҳ иш олиб борди. Бешта баҳоловчидан бири ҳисоботчи қилиб тайинланди ва беш баҳоловчининг баҳоси жамланиб, ўртача баҳо ҳисоблаб чиқарилди. Натижа шундагина ҳаққоний чиқишига умид қилинди.

— Биз бу семинарга республикамизнинг барча вилоятларидан, Қорақалпоғистон Республикасидан тажрибали, ўз фикрига эга бўлган, фидойи ўқитувчилардан 85 нафарини, РТМдан услубчиларни, ОРБ лойиҳани амалга ошириш гуруҳи аъзоларини, халқаро маслаҳатчи Эндро Смарт ва мутахассисларни жалб қилдик, — деди биз билан суҳбатда ХТВ дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармаси бошлиғи, педагогика фанлари номзоди Раъно Отабоева. — Семинар қатнашчилари — баҳоловчилар баҳолаш мезонларида нималарга эътибор қаратишлари лозимлигини билиб олганларидан сўнг уларга танловга тақдим этилган дарсликлар баҳолаш учун топширилди. Бу танловда 14 та нашриёт, жумладан, чет эл давлатларидан "Оскфорд", "Макбейн" нашриётлари ҳам иштирок этди. Дарсликлар ҳақиқий рақобат асосида ёзилган. Энг муҳими, аввалгидек дарсликларни масъул шахслар эмас, амалиётчи ўқитувчилар танлаб холис баҳо бердилар.

Ўйлаймизки, дарсликлар янги ўқув йилига қадар камчиликларсиз, ўқувчи ёши ва психологиясига мос, ихчам ва асосийси, нархи кўпчиликни қониқтирадиган тарзда нашр этилади.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи, "Ma'rifat" мухбири

СПОРТ БАЙРАМИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

Кеча пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида апрель ойининг сўнги ҳафтасида Фарғона шаҳрида бўладиган мактаб ўқувчилари ўртасидаги "Умид ниҳоллари" мусобақасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда қатнашган Республика Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев иштирокчиларга мазкур мусобақаларни ўтказишдан асосий мақсад нима эканлигини батафсил таърифлаб берди. Дарҳақиқат, узлуксиз спорт тизимининг бош бўғини ҳисобланган "Умид ниҳоллари"да олий мақсадлар кўзланган бўлиб, биринчи галда, ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол вояга етказиш назарда тутилган. Зеро, фарзандларимизни тўғри тарбиялаб, тўғри вояга етказсак эртага улар ёт унсурлар таъсирига тушмайдилар. Аксинча, юртимизни ташқи хавфдан ҳимоя қиладиган авлод бўлиб шаклланади. Бунинг учун биринчи галда талаб қилинадиган соғлом фикрлаш учун эса киши соғлом ривожланган бўлиши керак. Ана шу жиҳатларни кўзлаб ташкил этилган "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг финал босқичи 24-30 апрель кунлари Фарғонада байрамона руҳда ўтказилади.

Дарвоқе, ушбу спорт байрамининг биринчи мезбони бўлган Фарғонанинг бугунги кўриниши ҳақида маълумот берган Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Ҳ.Каримов давлат талаблари даражасида қилинаётган қурилиш, таъмирлаш ишлари яқин кунларда ниҳоясига етишини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, бу борада намойиш этилган видео лавҳа эса журналистларнинг бир қанча саволларига жавоб бўлди.

Бундан ташқари, мазкур узлуксиз бўғиннинг учинчи босқичи ҳисобланган олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги "Универсиада" мусобақалари ҳақида Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари М.Буронов ахборот берди. Унинг айтишича, бугун май ойида Бухорода бўладиган "Универсиада-2002"га тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилаётган бўлиб, шаҳар марказида барпо этилаётган халқаро талабларга жавоб берувчи янги спорт мажмуаси учун катта миқдорда маблағ сарфланмоқда.

Айни вақтда ёшларга эътибор борасида Республикамизда қилинаётган ишлардан шуни англаш мумкинки, бугун келажак авлод тақдирига хукуматимиз биринчи галдаги вазифа сифатида қарамоқда. Бу эса юртнинг эртаси қай даражада ёруғ эканлигидан далолатдир.

Матбуот анжуманида Президент Девони, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

К.АЛИОХУНОВ

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

Sohibqiron Amir Temur tavalludiga 666 yil to'lishi munosabati bilan «Amir Temur» jamg'armasi Samarqand viloyati bo'limida xalqaro anjuman bo'lib o'tdi. Unda ulkan salohiyat sohibi Amir Temurning bebaho tarixiy merosini targ'ib qilishda xayrli ishlarni amalga oshirayotgan jamg'arma faoliyatiga ijobiy baho berildi.

Uchko'prik tumanidagi «Boychechak» nomli maktabgacha ta'lim muassasasiga qarashli Aziza Mahmudovaning uy-bog'chasiga YUNISEF xalqaro tashkiloti tomonidan o'quv qo'llanmalari va jihozlari taqdim etildi. «Boychechak»da ta'lim-tarbiya jarayonlari «Uchinchi mingyillikning bolasi» tayanch dasturi asosida tashkillashtirilgani muvaffaqiyatlar garovi bo'layapti.

Qarshi Davlat universiteti Davlat Test markazi bilan kompyuter orqali to'g'ridan-to'g'ri aloqa bog'ladi. Buning afzalligi shundaki, abituriyentlar o'z bilimlarini xuddi test sinovlaridagi kabi chamalab ko'rish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Oliy Majlisning Demokratik institutlar, nodavlat tashkilotlar va fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari qo'mitasida «XXI asr Mahallasi» konsepsiyasi loyihasining muhokamasiga bag'ishlangan davra suhbati o'tkazildi.

ОДАТДАГИ ДАРС МАШҒУЛОТЛАРИ ВА МЕЗОН

ЁХУД ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА АНИҚЛАШ ТАЖРИБАСИДАН

Tajriba, sinov, natija

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг асл моҳиятини англаш, уни синчиклаб ўрганиш, таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ДТСни амалга татбиқ этиш жараёни — "жамият-таълим-тараққиёт" тизимида ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи муҳим босқичдир. Лекин танолиш керакки, ДТСнинг таълим тизими билан тўла-тўкис мувофиқлашуви осон, силлиқ кечадиган жараён эмас. Бунга сабаб сифатида, биринчидан, стандартда фанлараро яхлит таълим ҳажми параметрлари, уларни ўлчаш, баҳолаш тизимининг йўқлиги, иккинчиланғич м и й лим даражаларининг ўзаро боғлиқлиги, бошқа умуўрта таълим стандартлари йўналишида (стандарт талабларидан келиб чиққан ҳолда), талаб даражасидаги изчилликнинг, узвийликнинг йўқлиги, учинчидан эса ўқитувчиларнинг иш тажрибаси, малака ва билим даражаларининг хилма-хиллигини кўрсатиш мумкин.

Биз бу фикрларни она тили таълими ва ДТС уйғунлиги муносабатини назарда тутиб айтмоқдамиз. Зотан, она тили таълимида ДТС талабларининг воқеаланиши билан боғлиқ юзага келган, юқорида санаб ўтилган муаммолар, жумбоқлар ечимига амалиёт билан назариянинг узвий мутаносиблигидан келиб чиққан ҳолда ёндошмоқ лозим. Бу эса ўзўзидан ўқитувчиларнинг иш тажрибасидан келиб чиққан фикрлари, таклифлари билан уйғунлашган ҳолда ДТСнинг изоҳталаб, қўшимчаталаб, тузутишталаб ўринларига ёзилган шарҳлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган методик қўлланмалар, тавсияномаларга кучли эҳтиёжни юзага келтиради.

(Давоми 3-бетда)

O'qituvchi yon daftariga

MITTI KEMA

Fransiyalik muhandis Sharl Berne yaratgan suv osti kemasi kemachilik tarixidagi eng kichik loyiha sifatida e'tirof etilmoqda. Bir kishiga mo'ljallangan kemaning uzunligi 3, kengligi 1.2, balandligi 1.5 metrdan iborat. Bu mitti kema suv osti tabiatini o'rganishda va halokatga uchragan kemalarga yordam berishda qo'i kelishi mumkin.

6 YILDAN KEYINGI E'TIROF

Bugungi kunda turmushimizga singib ketgan uskuna — nusxa ko'chirish apparatining ilk ixtirochisi kimligini bilasizmi? Ta'kidlanishicha, kseroksni kashf qilgan kishi Chester Karlsondir. Eng qizig'i, Karlsonning ixtirosi faqat 6 yildan so'nggina tan olinadi. 1949 yilda «Goland» kompaniyasi tomonidan birinchi kserografiya mashinasi ishlab chiqariladi.

TIL HAQIDA

Amazonka daryosi bo'yida yashovchi bir qism hindular muomalasida bo'lgan til viorani deb ataladi. Qizig'i, bu til bor-yo'g'i ikki yuzdan ko'proq kishi uchun xizmat qiladi va dunyo tillaridan birortasiga o'xshamaydi, hech qanday tillar oilasiga mansubligi yo'q. Kichik Antil orollariga kiruvchi Dominaka orolida esa erkaklar va ayollar boshqa-boshqa tillarda gaplashishadi.

GULLAR BILAN TILLASHIB

Italiyalik ixtirochi Valerio Sanfo yaratgan asbob o'simliklar bilan tillashish imkonini beradi. Ma'lum bo'lishicha, o'simliklar ham o'ziga xos chirsillagan tovush chiqaradi. Ular tanasiga Sanfo yaratgan uskunani ulab, bu shifrlangan tovushlarni anglash mumkin. O'simliklar havo haroratining ta'sirini yoxud chanqaganlarini o'z «til»larida bayon etadilar.

Биттагина шу фикрнинг ўзи ҳам Ф.Нитшенинг номи "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласидан бекорга жой олмаганлигини кўрсатади.

Шу маънода Гитлер, Чингизхон, Усама бен Ладен каби ёвузларни — вайронакор ғоя ва ироданинг, Муҳаммад С.А.В. пайғамбаримиз, соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангубердиларни бунёдкор ғоя ва ироданинг соҳиблари дейиш мумкин.

Milliy istiqlol g'oyasi

Ўтиш даври: ирода ва руҳ эволюцияси

Ўтиш даврида аниқ тараққиёт стратегиясини белгилаш энг муҳим, шу билан бирга мураккаб масаладир. Уни оғишмай амалга ошириш эса, ундан ҳам мураккаб. Тан олиб айтиш керакки, XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида постсоциалистик мамлакатларда кимдир демократия ўйинига берилди, кимдир давлатлар устидан турадиган иттифоқ тузиш ғоясини илгари сурди, яна кимдир кимларнинг оғзига қараб турганлигини гувоҳи бўлдик. Натижалар ҳам ўзига яраша.

Ўзбекистон ўзининг аниқ тараққиёт йўлини 1991 йилдаёқ белгилаб олганлигини бугун ҳар бир ватандошимиз билади. Ўша йили ёзилган Президентимизнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида у ўзининг ифодасини топган эди. Орадан 10 йил ўтди. Ўн йиллик сарҳисоб ҳақида ҳам маълумотларга эгамиз. Биз масаланинг бошқа томони, ўтиш даври тафаккури, одамлар, жамият ижтимоий психологиясининг тараққиётда тутган ўрни ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Ўтиш даври. Сўнги йилларда лексиконимизда кўп ишлатилаётган бу даврни мардона босиб ўтиш, қисқартириш нималарга боғлиқ? Ўтиш даври одами қандай йўл тутмоғи лозим?

НИТШЕ — ЗАРДУШТИЙЛИК ТАРҒИБОТЧИСИ

Мустақиллик бизга мустақил фикрлашни, ҳар бир ҳодиса, ғояга холис баҳо бериш имконини берди. Шўролар томонидан "иррационалист", "тарихий тараққиётни, динни инкор қилувчи нигилист" сифатида анъанавий тарзда қораланиб келинган оқил Фридрих Нитшени Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида қайта ўқишмоқда. У олий тафаккурли, руҳи баланд, иродаси кучли инсонларни, халқларни, инсониятни орзу қилиб ўтиб кетди. Шўролар Нитшедан нимага қўрқишди? Чунки унинг фикрлари таралса, зўрлик билан сингдирилган коммунистик мафкурага дарз кетар, халқлар ўзлигини англар, миллатпарварларга халқ муҳаббати ошар, халқлардаги ўзлик, озодлик энергияси — кучли ирода ва руҳни уйғотар ва буларнинг барчаси биргаликда омонат "иттифоқ"нинг пойдеворини қулатар эди. Барча замон ва маконларда шахсни ҳам, миллатни ҳам буюк қилган қудрат — аниқ мақсадга сафарбар қилинган кучли, букилмас эътиқод, ирода, руҳнинг бардам бўлганлигини энди Миллий истиқлол ғоясини ўрганаётган ҳар бир ўзбекистонлик ўқувчи билади.

Шўро мафкурачилари Нитшени нигилистликда, яъни ҳамма эътироф қилган нарсаларни инкор қилишда айблашди. Лекин Нитше тушунган нигилизм фақат қора рангда эмас эди. У нигилизмни эскича қарашларга лоқайдлик; фаол нигилизмни — эскича қарашларни ислоҳ қилишга қаратилган фаол шахсий ҳаракат деб билган. Ожиз нигилизм (ожизлик, мутелик, ирода ва руҳнинг таназзули)ни кучли танқид қилган; фаол нигилизмни (фаол, жўшқин, ирода ва руҳнинг ҳаракати сифатида тушуниб) ёқлаган. Ожиз нигилизмга гирифтор киши руҳи тушкун, у фақат ором истайдиган, жўшқин ҳаётни четдан кузатувчи, ўз беғамлигини, лоқайдлигини оқловчи, ўзи ўрнидан туриб бажариши керак бўлган ишларни илоҳга юклаб, кунини кузатадиган киши сифатида тасвирланади. Фаол нигилизмни эса Нитше "ижодкорлик" маъносида тушунган. Машаққатли, аммо бунёдкор иш олдидан иродада йиғилиб, одамни сафарбар қилувчи ва Буюк келажакка ёриб, олиб ўтувчи куч деб тушунган.

Унинг Бош қаҳрамони — "Авесто"мизнинг Бош қаҳрамони Зардушт бобомиз эди. Унинг ғояларидаги инсонни, халқни маънавий такомиллаштириш Зардушт ғоялари эди. У "Мен ўзини фидо қилиш учун осмондаги юлдузлар ортидан сабаб қидириб, топиб, қурбон бўлувчиларни эмас, аксинча вақти келиб баркамол инсонлар макони бўлсин, деб ўзини ерга топширувчи фидойиларни севаман" деган. (Ч.Глок). Биттагина шу фикрнинг ўзи ҳам Ф.Нитшенинг номи "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласидан бекорга жой олмаганлигини кўрсатади.

Шўролар Нитшени қоралаш учун унинг Баркамол инсон — (таъбир жоиз бўлса замонавий иборада—супермен) ғоясини фашизм ғоясининг ёнига қўшиб ишлатиб, инсониятни қўрқитишди. Ваҳоланки, бу ғоя бунёдкорлик, халоскорлик, жасурлик тимсоли орқали тар-биялаш воситаси сифатида барча миллатларнинг эртакларида, қаҳрамон образларида мужассам бўлган, бор. Бунинг шу кундаги мисолини, Америка бадиий фильмлари бош қаҳрамони — "америкалик"нинг турли миллат, ирқ, динларга мансуб мискинларни ҳимоя қилиб, жонини жабборга берса-да, ғалаба қилишини ҳаммамиз эслаймиз. Унга хос сифатлар — кучли ирода, руҳнинг бақувватлиги, халоскорлик, қийинчиликлардан заррача қўрқмаслик, тушкунликка тушмай, дадил ҳаракат қилиш. Бунинг фашизм, ирқчилик билан асло алоқаси йўқ.

СУРАТ ВА СИЙРАТ

Юртбошимиз бундан бир неча йил илгари куйиниб, озгина тўсиққа дуч келганда иймон, диёнатдан осонгина воз кечиб кетувчи кишиларни қаттиқ танқид қилган эдилар. Жорий йилнинг 14 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғилишда, Сурхондарё вилояти Халқ депутатлари навбатдан ташқари Кенгашида ҳам айрим раҳбар кадрларнинг бемаза ишларга қарши тура олмаётганликларини танқид қилиб: "Мен шу эл фарзандиман. Йўл қўймайман, дейдиганлар борми?", дея принципиал бўлишга чақирдилар. Бу ирода ва руҳни мустаҳкам қилиш, тафаккурни ўзгартириш, янгилашга даъват эди.

Бир донишманддан одамда энг кейин ўзгарадиган нарса нима? — деб сўрашганда у — "Тафаккур" деган экан. Ҳозир тоталитар тузумдан тамоман янги, тараққий этган жамиятга ўтишда ҳам шу фикр ўзини намоён қилмоқда.

Биз нафақат эски тизимдан янгисига, балки XX асрга хос фикрлашдан XXI асрга хос фикрлашга ўтаётган одамлармиз. Ўтган ўн йил тафаккуримизда ислоҳотлар қилди. Биз мустақил элда, мустақил тилда бир-биримизни тез ва соз тушуна бораяпмиз. Лекин фикрий ислоҳотларимиз бизни қониқтирмаслиги керак. Боз устига Юртбошимизнинг XXI асрни интеллектуал авлод асри, бу асрда қайси мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти юқори бўлса, айнан ўша мамлакат тараққий этиши ҳақида фикрларининг қайта-қайта мағзини чақишимиз зарур.

Антропологларнинг хулосаларига кўра, одамзод бундан ўн минг йил аввал ҳозирги қиёфага келган экан. Шундан бери унинг нафақат шакли шамойили, феъли ҳам ўзгариб келмоқда. Мавлоно Абдулла Қодирий тили билан айтганда, одамнинг сурати эмас, сийрати, фикрлари, эътиқоди ўзгармоқда. Шунинг учун ҳам ўтиш даври, бу бир тафаккур тарзидан иккинчи тафаккур тарзига ўтиш жараёни ҳамдир.

"Инсон устидан ҳукмронлик қилувчи кучлардан энг қудратлиси ва мураккаби — ишонч, эътиқоддир. Эътиқод ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг универсал йўриқномаси. Ҳар бир жамиятда уни намоён бўлиш шаклига қараб, тезда таниб олиш мумкин..." (Г.Спенсер). Лекин инсон табиатигагина хос бўлган бу неъматни марксизм тазйиққа олди. Натижада эътиқодсизлик, одамларда ўз ҳаётий қадриятларининг йўқолишига, қимматсиз нарсаларни қимматли деб, қимматли нарсаларни ерга уришга олиб келди.

ЎТИШ ДАВРИ ОДАМИ

Ўтиш даври одамлари — кучли иродали, фаол, ўртамиёна, лоқайд, бефарқ, "уф-ф..." дегувчи, хуллас, турфа хил бўлади.

Бу даврда янги жамият истиқболини белгилаб берувчи, кучли иродали одамлар масъулиятни ўз зиммаларига оладилар ва аниқ мақсад — буюк келажак, Ҳақ ғоя учун курашадилар. Улар янги тизимга мансуб қадриятларни, ижтимоий ролларни, қарашларни бошқалар ўзлаштириб олишларига шарт-шароит яратадилар, ёрдам берадилар.

Лекин тафаккурдаги ўтиш, янгиланиш юқорида таъкидлаганимиздек мураккаб жараён. Бу даврда одамларнинг маълум тоифаси (маргинал шахс) тақдир тақозоси билан бир вақтнинг ўзида нафақат ҳар хил, балки қарама қарши қарашлар орасида яшайди. (Р.Парк)

Америкалик социолог Э.Стоунквист бундай одамларни ўз аксини турли хил қилиб кўрсатадиган икки ойна орасига ўтқазилган одамга ўхшатган. Ойна аксларидаги зиддият, бир-бирига ўхшамаслик одамдан руҳий ислоҳот ўзлигини англашини талаб қилади. Бундай одамлар иккиланувчан бўлиб, йўл-йўриқ тутишда, бирор ҳодисани баҳолашда ва ҳаракат қилишда беқарор бўлади. Унда ўз қиммати пастлигини англаш комплекси баъзи вақтларда бу ҳолатнинг аксида — гўёки ўз қимматининг бошқалардан устунлигини ҳис қилиш комплексига айланиб, норозилик кўринишларида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Масалан, у эскича фикрлаб, ўзи мансуб эскича фикрловчи гуруҳ манфаатларини янгича фикрловчилардан устун қўювчи, уни ташвиқот қилувчига айланиб қолади. Айрим ҳолларда бундай одамлар эскича ва янгича тафаккур орасида "таржимон", "муросага келтирувчи" ролларда чиқиб, бошқаларда янги тафаккурнинг шаклланишига таъсир қилиши ҳам мумкин. Бугун бизга янги замон фазилатларини асосли тушунтириб, одамларни эскича тафаккур исканжасидан озод этувчи иродаси мустаҳкам, руҳи баланд, амалий ишлари билан ишонч қозонадиган кишилар кўпроқ зарур.

Ишонч — қайта-қайта эшитилган, кўрилган, синалган, характерга сингдирилган фикрлар устига қурилади. Истак, ният ҳам ана шу ишончдан ўсиб чиқади ёки сўнади. Демак, истак ва ниятишончдан озиқланади ва ўз навбатида ҳаракат манбаи — иродага энергия беради.

Албатта, ўтиш даври одамлари ҳар хил бўлади. Лекин улар олдига ҳамма тез, осон тушунадиган мақсад, ғояни таклиф қилинг, улар биргалашиб, уюшиб, ишга тушиб кетишади. **Бундай ҳолатда, билимсиз ва иродасиз одамлар сохта ғоянинг таъсирига тезда тушиб қолишлари мумкин. Сохта ғоялар ниҳоятда алдамчи бўлиб, уларнинг энг оддий кўринишларидан тортиб, йирик бузғунчилик мақсадларига қаратилган турли кўринишлари мавжуд.** Масалан, "Фалон жойда бир хум олтин кўмилган экан, юринглар ковлаб оламиз. Бунинг ҳеч кимга зарари тегмайди", деб ишонтиринг. Барча дин, миллат одамлари ичида бу ишонч олдида ўрнидан сапчиб турмайдигани кам бўлади. Сабаб — мақсад — ғоя ҳаммага бир хил тушунарли, оддий, яқин. Бир ёки бир неча соатлик муддатни талаб қилади. **Бузғунчилик мақсадларига қаратилган сохта ғояларнинг тарғиботчилари кўп ҳолларда моддий бойликларни ваъда қилиш билан билими суст, иродаси бўш одамларни ўз домига тортадилар. Бунга яқин ва узоқ тарихдан кўплаб мисолларни келтириш мумкин.**

Ўтиш даврида улкан, миллий мақсадларни тушуниш ва тушунтириш, уларни шахснинг ниятига айлантириш ҳеч қачон осон кечмаган. Мусо пайғамбарга қавмини ўз Ҳақ ғоясига ишонтириши учун қирқ йил, Муҳаммад С.А.В. пайғамбарга йигирма йилдан ортиқ вақт керак бўлган. Миллий мақсад, ниятни ирода ва руҳ билан боғлаш масаласини қандай англаймиз?

ИРОДА — ҲАРАКАТ — ЭНЕРГИЯ

Ирода барча замон ва маконларда ҳам "инсон шаъни, қадр-қимматининг кўрсаткичи" қабилида ижобий баҳоланиб келинган. Ўз иродасини билиш, унга бир кучга эгалик қилгандек, эгалик қилиш ҳуқуқини ичдан ҳис қилиш одамга куч беради. Уни "Мен"идан мамнун қилиб туради. Ўз иродасига эга бўла олмаган киши, миллат ўзини ўзгалар ирода-ихтиёрига топширади.

Ирода — истакни, ниятни, орзуни амалга оширувчи энергия. Биз бирор нарсани истаб, унга эришишни ният қилар эканмиз, бунга мақсад, ниятга тенг энергия сарфлаб эришамиз. Ғоя эса ниятга йўналиш беради. Демак, ҳар бир инсон, ҳар бир миллатнинг 2002 йилдаги мақоми, шуҳрати унда аниқ, англанган истак, ният борлиги (ёки йўқлиги), унинг истаклари тўғри (ёки нотўғри) йўналишда эканлиги ва ўз истакларига етиш учун сарфлаган (ёки сарфламоқчи бўлган) энергия миқдорига тенгдир. Масала бевосита миллий ғоямизга яқинлиги боис буни аниқ фанлар тушунчалари орқали ифодалашга ҳаракат қиламиз.

Ҳар бир ҳаракатда икки нарса — материя ва куч иштирок этади. Материя — ҳаракатланади, куч ҳаракатга келтиради. Бир-бирига боғлиқ. Олам бино бўлганидан буён бу бор ва бўлади. Материяни йўқ қилиб бўлмайди. Унинг шакли ўзгаради ва бу ўзгаришлар тирикликни, ҳаётни ташкил қилади. Биз бунда кучни эмас, материяни кўрамиз, кучнинг бошқа шакл касб этишини эса ҳамма вақт ҳам сезавермаймиз. Масалан, болғани олиб сандонга урдингиз. Шу билан материя қолди-ю, куч йўқолиб кетгандек туюлади. Лекин бу нотўғри. Болға ва сандонни ушлаб кўрсангиз иссиқ бўлади. Демак, куч ҳароратга айланибди. Сиз болғани қанча куч билан урган бўлсангиз, ҳарорат даражаси шунга тенг бўлади.

Одамнинг нафақат жисмоний, балки руҳий, маънавий, ахлоқий, демак мафкуравий, фикрий кучи ҳам ана шу қонуният доирасида кечади. Биз фикрлаганда, ўйлаганда, қувонганимизда, нафратланганимизда, демак, бирор мақсадни истаётганимизда шунга тенг энергия сарфлаймиз. Сарф қилинган фикрий куч, энергия шахсий ғоя, мақсад, орзу шаклларини ола боради. Бунда ҳаракат бизнинг нервларимиз, миямиз катакчаларида кечади.

Эрталаб фермерни даласига **Ғоя+ Истак + Ирода** олиб чиқади. Фақат истакнинг ўзи уни ўрнидан турғиза олмайди, уни далага юргиза олмайди. Ирода уни ўрнидан турғизади, юргизади. Аммо ироданинг ўзи қачон, қаёққа, нега деган саволларга жавоб бера олмайди. У истакка қувват, куч беради ва ғоя кўрсатган тарафга эгасини юргизади. Бу мафкуравий формула на манфий, на мусбат баҳога эга. Уни манфий ва мусбат қиладиган ҳам ғоя. Шу маънода Гитлер, Чингизхон, Усама бен Ладен каби ёвузларни — вайронакор ғоя ва ироданинг, Муҳаммад С.А.В. пайғамбаримиз, соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангубердиларни бунёдкор ғоя ва ироданинг соҳиблари дейиш мумкин.

ЛОҚАЙДЛИК — ИРОДАСИЗЛИК

Ўтиш даври барча замон ва маконларда ҳам бунёдкор ва бузғунчи ғоя, иродаларнинг кураши бўлиб келган. Шунинг учун ҳам Миллий истиқлол ғояси — бунёдкор ғоя, бунёдкор ирода томонда бўлиб, лоқайдлик, бефарқлик, принципсизликка қаршидир.

Лоқайдлик қандай пайдо бўлади? Лоқайдлик киши онгида тасаввур, билимларнинг янгиланмаслигидан, бунинг оқибатида эса унда янги ғоя, истакларнинг пайдо бўлмаслигидан, иккиланиш ёки ирода энергиясининг сустлигидан келиб чиқади.

Лоқайдлик эгасининг қалбини адо қилади. Кишиларнинг билим, тасаввур ғоялари қанча тез янгиланса, бу шунча янги мақсад, истакларни уйғотади. Иродага таянмаган мақсад — қишнинг қуёшига (ёритади, лекин иситмайди), танбал полвонга, лотореяга ўхшайди.

Лоқайдлик қаровсиз қолса бефарқлик, умидсизлик, мутеликка айлана боради. Чунки лоқайдлик ўз соҳибининг қалби ва онгига қарши ишлай бошлайди. Масалан, биз 1999 йил 16 февраль, 2001 йил 11 сентябрь воқеалари ҳақида эшитганимизда, телеэкран орқали кўрганимизда ғазабланамиз, куйинамиз. Лоқайд эса ғазабланмайди, куйинмайди. Уни Сурхондарёда шаҳид бўлган Ватан фидойисининг онаси зорланиб йиғлаётгани ҳам безовта қилмайди. Ўзи учун ҳам, миллат учун ҳам қўлини совуқ сувга урмайди. Лоқайдликнинг яна бир тури — ўзига пухта, ҳушёр, бироқ жамият, Ватан юмушлари учун бефарқларда учрайди.

Ўтиш даври — синов даври. У кимлардадир нафс инстинктини, бойлик ҳирсини, кимлардадир миллатга хизмат қилиб қолиш иштиёқини қўзғатади.

Ўтиш даври — фидокорона меҳнат фасли, буюк келажак остонаси. Аждодларимизнинг ҳаққи-ҳурмати метин иродали, фидоий бўлиб бунёдкорлик йўлида меҳнат қилишимиз лозим.

Ўтиш даври одамлари — ўзимиз, мен, сиз, биз. Куйинчаклар ҳам, лоқайдлар ҳам ўзимиз. Буюк келажакни тез ва соз таъминловчилар ҳам ўзимиз. Ҳали кеч эмас, ўтиш даври одамлари миллий ғоя бизларни уюштирмоқда. **Миллий истиқлол ғояси, тараққиёт стратегиямизга мос Ўзбекистоннинг истиқлол ғоясидир. Бу ғоя Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида барчамизнинг манфаатларимизни ифода этган Ҳақ ва Халқ ғоясидир.**

Норқўзи ҚУВВАТОВ,
Муҳаммад ҚУРОНОВ

Ўқувчининг дарс жараёнидаги фаолияти матн таҳлили билан бошланиб, матн тузиш билан якунланар экан, болада нафақат ёзма тарзда ифодалаш малакаси, балки тузилган матнини ифодали ўқий билиш малакаси ҳам мукаммаллаша боради.

Шуниси эътиборлики, ёшлар таълим-тарбиясида мактаб билан бир қаторда оила, маҳалла ва кенг жамоатчиликнинг ўрнини ушбу даргоҳда теран англашади.

Tajriba, sinov, natija

ОДАТДАГИ ДАРС МАШҒУЛОТЛАРИ ВА МЕЗОН

ёхуд она тили таълимида ўқувчилар билимини давлат таълим стандарти талаблари асосида аниқлаш тажрибасидан

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўқувчилар тайёргарлик даражасини, билим савиясини, билим сифатини аниқлаш, баҳолаш билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларимиз эса ўз-ўзидан она тили таълимида ўқувчилар тайёргарлик даражаси параметрлари тизимига бориб тақалади. ДТСга шарҳларда таъкидланганидек, она тили таълими натижасида ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакалар уч параметрли стандарт кўрсаткичлари асосида текширилади ва баҳоланади. Маълумки, мазкур параметрлар тизими ўқувчиларнинг чораклар ва синфлар оралиғида эгаллаган билим, малакалари ҳажми, сифатини ҳамда битирувчилар тайёргарлик даражасини мониторинг таҳлилидан аниқлашни назарда тутар экан, кундалик дарс машғулотлари бу таҳлилда асосий ташхис вазифасини ўтайди. Ўқувчиларнинг она тилидан олган амалий кўникма ва малакаларини ДТС мезонлари билан баҳолаш тажрибаси олимларимизнинг "...стандарт қандайдир тўқима эмас, балки ДТС талабларининг ўзидан келиб чиққан айни ҳақиқатдир" эътирофининг нақадар тўғрилигини яна бир бор исботлайди. Дарҳақиқат, бу параметрлар ўз моҳият—эътибори билан одатдаги дарс машғулотларида, машқлар ва топшириқлар тизимида у ёки бу шаклда ўзига хос тарзда воқеаланади.

Ўқувчилар тайёргарлик даражасини ДТС параметрлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизими ва бу тизим моҳияти она тили таълимида жиддий мунозараларга сабаб бўлмоқда. "Ўқувчиларнинг она тили фанидан ўзлаштиришлари рейтинг усули орқали аниқланади"—дастурнинг "уқтириш хати"да таъкидланган бу кўрсатма "ўқувчи—таълим—ўқитувчи" тизими такомили учун катта имконият эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Шундай экан, бунда энг муҳокамали масала—рейтингнинг тарбияланувчилар тайёргарлик даражасини аниқлаш имкониятига эгалиги ва бу имкониятларнинг дарсликлардаги машқ-топшириқлар тизими билан мувофиқлашувидир. Чунки ДТСда ўқувчилар умумтайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражагина белгилаб берилган, лекин ана шу мажбурий минимал талабларни баҳолаш меъёрлари кўрсатилмаган, аниқ андозаларга бўйсундирилмаган. Бундай кўринишдаги кемтикликларни тўлдириш мақсадида яратилган ва яратилажак методик қўлланмалар, тавсияномалар бугун ҳаммамиз учун сув ва ҳаводек зарурдир.

Заруратнинг ифодаси сифатида таниқли тилшунос олим Э.Шодмонов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган "Давлат таълим стандарти талқини ва ўрта таълимда ўзбек филологияси таълими параметрлари" қўлланмасини кўрсатиш мумкин. Қўлланмада ўзбек филологияси таълими соҳасида ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси параметрлари, уларни ўлчаш, даражалаш, баҳолаш мезонлари технологияси жуда чуқур ишланган, атрофлича таҳлил қилинган. Биз ушбу қўлланмадаги тавсияларга асосланган ҳолда 5-синф "Муқаддима" бўлимини ўқитишда ўқувчилар билимини ДТС талаб ва мезонлари асосида баҳолаш йўналишида тажриба-тадқиқот ишларини олиб бормоқдамиз. "Муқаддима"даги тилнинг турли сатҳларига оид 65 соатлик мавзулар мундарижаси ва машқ-топшириқлар тизими она тили ДТС параметрларига тўла-тўкис мувофиқ келади.

Ўқувчининг дарс жараёнидаги фаолияти матн таҳлили билан бошланиб, матн тузиш билан якунланар экан, болада нафақат ёзма тарзда ифодалаш малакаси, балки тузилган матнини ифодали ўқий билиш малакаси ҳам мукаммаллаша боради. Бўлимда берилган ўндан ортиқ матнлар билан қайта ишлаш, уларни торайтириш, кенгайтириш билан боғлиқ топшириқларни бажариш асосида унда ўзгалар фикрини англаш малакаси ҳам такомилларга боради. Демак, ўқитувчи дарснинг бошқарувчиси сифатида дарсликдаги машқларга ва ўзи тайёрлаб келган топшириқларга таянган ҳолда ДТС талабларини назардан қочирмаслиги керак. Бунинг учун эса бўлажак дарс қисмларини пухта ўйламоғи, ҳар бир машқни ўқувчилари билими, савияси, мижозига қараб, даражалаб чиқмоғи лозим. Ана шундагина ДТСнинг ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилиятлари ва қизиқарли устиворлигидан келиб чиқиши том маънодаги аксиомага айланади. Биз "Муқаддима"даги машқларнинг кўп топшириқлилик, кўп қисмлилик анъанасини мукаммаллаштириб, такомиллаштириб, даражалаб чиқдик. Бу машқларнинг барчасини келтиришга имкониятимиз чеклангани боис айрим намуналарнигина келтиришни лозим топдик.

Ундалма мавзуси бўйича:

1-машқ. 1-топшириқ. Берилган гаплардан ундалмаларни топинг.

1. Юртим, сенга шеър битдим бу кун. (А.О.) 2. Сизга таъзимдамиз, азиз устозлар! 3. Не қилсанг қил, лек Ватанни сотма, болам! (Ш.А.) 4. Бу дунёнинг гаштига қон, ота, сен қарима фақат! (М.Ю.) 5. Сени танимадим, тулпор, танимадим. (Т.М.) 6. Подшоҳим, буни ёзган одамзод эмас. (Эртакдан)

2-топшириқ. Ундалмани ифодаловчи сўзни унинг маънодошлари билан алмаштиринг.

3-топшириқ. Алмаштирилган маънодошлар иштирокида ундалмали гаплар тузинг.

Мустақил ва ёрдамчи сўзлар мавзуси бўйича.

2-машқ. 1-топшириқ. Қуйидаги қолиплар асосида тобе сўз от билан, равиш билан ифодаланган сўз бирикмалари тузинг.



2-топшириқ. Сифатли бирикмаларда, мумкин бўлган ўринларда сифатлар ўрнини уларнинг зид маъноли жуфтлари билан алмаштиринг.

3-топшириқ. Тобе сўз алмаштирилган сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг.

Маънодош сўзлар мавзуси бўйича:

3-машқ. Сўзларни ўқинг: биродар, кутилмаганда, ўтинмоқ, доим, ҳаворанг, дўст, фавқулодда, умрбоқий, ошна, тўсатдан, мовий, ялинмоқ, оғайни, кўк, сўрамоқ, абадий, қўққисдан, мангу, зангори, илтижо қилмоқ, нилий, доимий, ўрток, тавалло қилмоқ.

1-топшириқ. Берилган сўзларни қўйидаги маънодош гуруҳларга ажратинг.

1-гуруҳ: сўрамоқ...
2-гуруҳ: кўк...
3-гуруҳ: дўст...
4-гуруҳ: доим...

2-топшириқ.Шу сўзлар иштирокида сўз бирикмалари тузинг.

3-топшириқ. Биродар, мовий, илтижо қилмоқ, умрбоқий каби сўзларни қўллаб гаплар тузинг.

Уядош сўзлар мавзуси бўйича:

4-машқ. Ўқинг.

Жума куни бўлганидан бозор жуда қизиганди. Дон-дун коп-понлари, қассобчилик, атторлик, баззозлик, қандолатфурушлик, сабзавот, полиз расталари ланг очилиб қолди. ("Гулхан")

1-топшириқ. Ўзингиз хоҳлаган қатордаги уядош сўзлар иштирокида уюшиқ бўлакли гаплар тузинг.

2-топшириқ. Тузган гапингизнинг қолипини чизинг.

Кўриниб турибдики, келтирилган машқлардаги топшириқлар ўқувчилар билими, иқтидорини даражалаб, баҳолашдаги холисликка ёрдам беради. Хулас, муайян бир мавзуга доир барча машқларнинг шу тахлит даражаланиши агар бунга тўлиқ имкон бўлмаса (дарсликдаги машқлар доирасида), ўқитувчининг ўзи томонидан ҳеч бўлмаганда битта машқнинг даражаланган ҳолда тузилиши, натижада ўқувчи билимини даражалаш имкониятининг (қуйи, ўрта, юқори, даража) туғилиши ўқувчини дарс субъектига айлантиришда, унда ўз кучига ишонч уйғотишда, интилувчанлик, юқори даражаларни эгаллашга қизиқувчанлик ҳисларини қарор топтиришда, унда рақобатлашув маданиятини шакллантиришда, баҳолашнинг холислик, одиллик тамойилини йўлга қўйишда қулай имконият яратади. Албатта, бизнинг бу тажрибаларимиз ДТСни таълим жараёнига татбиқ этиш сай-ҳаракатлар уммонида бир томчи, холос. Асосий, мақсадимиз ҳам одатдаги дарс машғулотлари савиясини ДТС мезонларига тадрижий равишда мувофиқлаштириб боришдир.

Озода ДЎСТМУРОДОВА,
Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 38-мактаб ўқитувчиси

ҲОКИМ ЭЪТИБОРИДАГИ МАКТАБ

Мактаб — келажакка йўргак. У таълим-тарбия бешиги. Зеро, шу муқаддас даргоҳда юртнинг эртасини белгиловчи, равнақини таъминловчи баркамол ёшлар камол топади. Мирзачўл туманидаги 2-мактабда олиб борилаётган ишлар кўлами, эришилаётган ютуқлар фикримизга далил бўла олади.

Мактаб 1974 йилда ўзининг илк толиби илмларини бағрига чорлаган бўлиб, ҳозирда ушбу масканда 90 нафар ўқитувчи 1622 нафар ўқувчига сабоқ бериб келмоқда. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишлари учун мактабда барча шароитлар яратилган. Зарур жиҳозларга эга замонавий спорт зали, стадион ва ошхона улар ихтиёрида. Илм ўчоғида таълим қозоқ тилида олиб борилади. Бундан ташқари мактаб нафақат туманда, балки вилоят бўйича ҳам таълим қозоқ тилида олиб борилаётган мактаблар ичида базавий таълим муассасаси ҳисобланади.

— Ўқувчиларимизнинг илм сирларини теранроқ ўрганишлари учун имкон қадар шароит яратишга киришганмиз, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Атемқул Избосаров. — Албатта, бу йўлдаги изланишларимиз бесамар кетаётгани йўқ. Айниқса, ўғил-қизларимизнинг билимини белгиловчи фан олимпиадаларидаги иштироки, эришаётган ютуқлари билан туманда 1-ўриндалиги, қолаверса, олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичи юқорилиги бизга ҳам ғурур бағишлайди.

Шуниси эътиборлики, ёшлар таълим-тарбиясида мактаб билан бир қаторда оила, маҳалла ва кенг жамоатчиликнинг ўрнини ушбу даргоҳда теран англашади. Бу, мактабда ўтказиладиган ота-оналар мажлиси, маҳалла фаоллари ҳамда турли муассаса ходимлари билан ташкил этилаётган долзарб мавзулардаги давра суҳбатлари, учрашув кечаларида ҳам ўз аксини топмоқда, десак муболаға бўлмайди. Муҳими, фарзандларнинг замон талаблари даражасида таҳсил олишлари учун ота-оналар ва ҳомий ташкилотларнинг илм ўчоғи моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлидаги кўрсатаётган кўмаклари эътиборга лойиқ.

Мактабда ўзига хос анъана вужудга келган бўлиб, унга кўра ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларни ўз фанига қизиқтиришга алоҳида урғу беришган. Бунинг натижасида ўқувчи янада чуқурроқ билим эгаллаш имконига эга бўлаётган бўлса, иккинчидан, ўқитувчи меҳнати, изланишининг бўй кўрсатишига туртки бўлмоқда.

— Ушбу ташаббусимизни, — дейди мактаб директори сўзини давом эттириб, — туманимиз ҳокими Муса Анорбоев ҳам қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўз фани бўйича ўқувчисини республика умумтаълим фанлари олимпиадасининг вилоят босқичига чиқарган ўқитувчига ва ғолиб ўқувчига ҳокимлик томонидан 100 минг сўмдан мукофот берилишини ваъда қилганлари устозларни ва ўқувчиларни янада руҳлантирди.

Мақсад муштарак бўлиб, унга эришиш йўлида барча бирдек ўз зиммасига юкланган вазифани сидқидилдан адо этишга интилса, албатта, натижа ҳам шунга яраша бўлади. Ҳозирда мактабда фидойи ўқитувчилардан Ш.Сафарова, Р.Лоханова, М.Эралиева, З.Бесеченова, Ж.Абиловалар ўқитган-ўқитаётган ўқувчилар ўзларининг қўлга киритаётган ютуқлари билан барчага ўрнак бўлаётганлиги устозларнинг ҳам ютуғидир.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

КОЛЛЕЖИМИЗ УЧУН ЗАМОНАВИЙ БИНО ҚУРИЛМОҚДА

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг йирик шаҳарларидан тортиб, чекка туманлари, оддий қишлоқларида ҳам янги, замонавий кўринишдаги ўқув масканлари қад ростламоқда ва "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ равишда уларда ёшларга таълим-тарбия бериш усуллари ҳам жаҳон андозалари даражасида, замонавий руҳда ташкил этилмоқда. Бунинг натижасида ёшларнинг ҳам билим даражаси анча юксалди.

Навбаҳор туманидаги бизнинг "Истиқлол" саноат касб-ҳунар коллежимизда олиб борилаётган хайрли ишлар ушбу фикримизга мисол бўла олади. Мазкур ўқув маскани 2001 йилда ташкил этилган эди. Коллежда таълим-тарбия ишларини ташкил этишда шу чоққача туманда фаолият кўрсатиб келган бизнес мактабининг мавжуд моддий базаси анча қўл келганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Чунки бу ерда етарли тажриба, билим ва малакага эга бўлган кўплаб мутахассислар меҳнат қилишар эди. Ўз навбатида, уларнинг сафи янги ёш ва билимдон кадрлар билан тўлдириб борилмоқда.

Шу ўринда, асосан аграр соҳага ихтисослашган туманда бундай саноат касб-ҳунар коллежини ташкил этишнинг боиси нимада, деган савол туғилиши табиий. Бунинг сабаби оддий. Навбаҳор туманида ҳам қишлоқ саноати, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик сингари соҳалар тараққий этмоқда. Янги коллежда ана шу соҳалар учун ҳам зарур мутахассислар тайёрлаб берилади. Қолаверса, бу ерда қўшни туманлардан келган кўплаб ёшлар ҳам таълим олишмоқда.

— Очиғи, коллежимизга кириб ўқиш истагида бўлган ёшлар жуда кўпчиликни ташкил этади, — дейди "Истиқлол" саноат касб-ҳунар коллежи директори Матёқуб Қувондиқов. — Биргина, илк бор фаолиятимизни бошлаган ўтган йили 400 нафарга яқин йигит-қизлар ўқув масканимизга ҳужжат топширганликлари ҳам шундан далолат беради. Биз тест синовлари натижасига кўра улар орасидан 250 нафар билимдон абитуриентларни талабаликка қабул қилдик. Айни пайтда коллежда озиқ-овқат ишлаб чиқариш бўйича ускуналарни таъмирлаш ва ишлатиш, бухгалтерия ҳисоби, умумий овқатланиш, тикувчилик, ветеринария, ҳуқуқ-хўжалик фаолияти, юк ташишни ташкил этиш ва автомобил транспорти ҳаракатини бошқариш бўйича мутахассислар, автомобил созловчи чилангарлар, "В" ва "С" тоифадаги ҳайдовчилар тайёрланмоқда. Келажакда эса яна бошқа қатор соҳалар бўйича ҳам малакали мутахассислар етиштириш мўлжалланган. Талабаларимиз коллежда олган билимларини тумандаги бир қанча ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиёти билан мустаҳкамлаб боришаяпти. Туман ҳокимлигининг бевосита ёрдами билан бизга ажратиб берилган 15 гектар ер майдонида ҳам талабаларимизнинг ўзлари турли хил экинларни парваришлаб келишмоқда.

Айни пайтда Навбаҳор туманида коллежнинг 750 ўринли янги, замонавий биноси бунёд этилмоқда. Шу йил мустақиллик байрами арафасида ишга туширилади ушбу муҳташам таълим масканида ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида таълим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилади. Ўз навбатида, коллеж раҳбарияти ҳозирданоқ янги ўқув масканида таълим-тарбия жараёнини янада яхшилаш борасида бир қанча тадбирларни режалаштирмоқда. Хусусан, ходимларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш, уларни малака ошириш учун хорижий мамлакатларга юбориш мўлжалланаяпти.

Товбой ЭГАМОВ,
"Истиқлол" саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

Tanlov

Мамлакатимиз ҳаётида кечаётган маънавий покланиш, интеллектуал юксалиш, ғоявий барқарорлашув, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнларида ўқитувчи-мураббийнинг тутган ўрни, унинг заҳматли меҳнати ҳамда жамият соғломлашувига қўшаётган салмоқли ҳиссасини тараннум этиш, уларда ўзлари амалга ошираётган ишларга рағбат уйғотиш ва мамнунлик ҳиссини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда "Устоз-мураббийлар ҳақида энг яхши асар" кўрик-танловини ташкил этиш тўғрисида" қўшма буйруқ имзолади. Икки босқичдан иборат шу кўрик-танловнинг Низоми ва кўрик-танловнинг республика босқичини ўтказиш ҳакамлар ҳайъати тасдиқланди. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Ёзувчилар уюшмасининг вилоятлардаги бўлимлари раҳбарларига мазкур кўрик-танловнинг вилоят босқичини ташкил этиш ва 2002 йил август ойида юқори савияда ўтказиш топширилди.

Халқ таълими вазирлигининг Маънавий ва маърифий ишлар бошқармаси ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг шеърият бўйича адабий маслаҳатчисига бир ой муддат ичида танловга келган асарларни жанр хусусиятига кўра баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиб, тасдиқлатиш ҳамда жойларга етказиш вазифаси юкланди. Халқ таълими вазирлиги Маънавий ва маърифий ишлар бошқармаси, Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосарига кўрик-танловнинг республика босқичи ғолибларига тақдим этиладиган дипломларни тайёрлаш вазифаси юкланди.

Буйруқда, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги матбуот маркази, Ёзувчилар уюшмаси масъул котибига кўрик-танловни ўтказиш ҳамда унинг натижалари юзасидан матбуотда тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этиш вазифаси топширилганлиги қайд қилинди.

"Устоз-мураббийлар ҳақида энг яхши асар" кўрик-танловининг НИЗОМИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Танлов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг ҳамкорлигида ташкил этилади. Унда ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, ижодкор ўқитувчилар ўзларининг ижод намуналари (ҳикоя, очерк, қисса, достон, туркум шеърлари) билан қатнашишлари мумкин.

Танловга юборилган асарлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ва уларнинг вилоятлардаги бошқарма (бўлим)лари томонидан ташкил қилинган ҳайъат томонидан баҳоланади.

Танлов ғолиблари ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами арафасида эълон қилинади.

II. ТАНЛОВНИНГ МАҚСАДИ

Мамлакатимиз ҳаётида кечаётган маънавий тозариш, интеллектуал юксалиш ғоявий барқарорлашув, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнларида ўқитувчи-мураббийнинг тутган ўрни, унинг заҳматли меҳнати ҳамда жамият соғломлашувига қўшаётган салмоқли ҳиссасини тараннум этиш, уларда ўзлари амалга ошираётган ишларга рағбат уйғотиш ҳамда мамнунлик ҳиссини ошириш.

Устоз-мураббийларнинг халқимизнинг азалий анъана ва урф-одатларига содиқ қолиб, ривожланган дунё тажрибасининг миллатимизга хос жиҳатларидан фойдаланиб, келажакни яратишдек улкан вазифани ўз ҳаёти мазмунига айлантирганлигини улуғлаш баробарида кишиларда уларга нисбатан ҳурмат-эътибор туйғуларини, ёшларимизда эса педагог касбига меҳр-муҳаббат ҳисларини уйғотиш.

Ўқитувчи-тарбиячиларнинг сермазмун ҳаётидан олинган лавҳаларни бадиий тарғиб орқали улар тимсолида Ватанимиз ёшларини юрт фидойилари комил, баркамол инсонлар, соғлом, иродали, ватанпарвар, қўрқмас эл қўриқчилари қилиб тарбиялайдиган, уларда мустақил давлатимиз манфаатлари — унинг ҳам манфаатлари, тақдири — унинг ҳам тақдири эканлиги каби тушунчаларнинг қатъийлашишини таъминлайдиган инсонни гавдалантириш.

III. ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

Танлов вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар), республика босқичида бўлиб ўтиб, маълум бир вилоят ҳудудида яшаётган ижодкор ўз асарини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармалари, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимлари ҳамда жойлардаги тегишли жамоатчилик ташкилотлари вакилларидан ташкил топган танловнинг вилоят босқичи ҳакамлари ҳайъатига ҳар йилнинг август ойи 10-санасигача тақдим этиши лозим.

Асарлар жанр хусусиятлари бўйича 1 сентябргача сараланиб, якуний босқичда иштирок этиш учун Халқ таълими вазирлигининг маънавият ва қўшимча таълим бошқармасига жўнатилади. Халқ таълими вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда тегишли жамоатчилик ташкилотлари вакилларидан иборат танловнинг республика босқичи ҳакамлари ҳайъати танловга келган асарларни жанр хусусиятига кўра тегишли мезон асосида баҳолайди. Бунда асарнинг ушбу танловнинг мақсадларига қанчалик мослиги, бадиий савияси ва долзарблигига алоҳида эътибор берилади.

Танловга юборилган асарлар ёзув машинкасида ёки компьютерда ёзилган ҳолда 2 нусхада тақдим этилади.

IV. ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ

Танловда иштирок этган асарлар ичида қуйидаги номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади:

— "Энг яхши насрий асар" учун

— "Энг яхши шеърий асар" учун

— "Энг яхши публицистик асар" учун

Ғолиб деб топилган асар учун қуйидаги пул мукофоти белгиланади:

1-ўрин учун энг кам иш ҳақининг 50 баровари миқдорида

2-ўрин учун энг кам иш ҳақининг 35 баровари миқдорида

3-ўрин учун энг кам иш ҳақининг 25 баровари миқдорида

Танлов ғолиблари ҳар йили "1-октябрь Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" — умумхалқ байрами арафасида эълон қилинади ва юқорида кўрсатилган пул мукофотлари ҳамда Халқ таълими вазирлиги, Ёзувчилар уюшмасининг тегишли дипломлари билан тақдирланади.

V. ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР

Танлов жараёнида сараланиб, ғолиб деб топилган асарларни кенг тарғиб этиш ҳамда ушбу мавзуда қалам тебратаётган ёзувчиларни, шоирларни ва ҳаваскор ижодкорларни рағбатлантириш мақсадида ушбу асарлар жамланган китоб шаклида кўп нусхада чоп этилади.

Талабани қаттиқ қўллик билан аудиторияга зўрлаб ўтиришдан фойда йўқ. Менимча, ҳам энг аввало, талаба ўз бурчини англамоғи учун аудиториядаги ўқув машғулотлари уни ўзига мудом тортиб турмоғи керак...

Биз ўқишда ҳам, ишда ҳам қатъиятлилик қилмасак, интизомни, тартибни қаттиққўллик билан ўрнатмасак, ижобий натижага эришишимиз мушкул кечади.

Ma'rifat

Mulohaza

ТАРБИЯ ҲАМИША МУҲИМ

Республикамизнинг тараққиёт ва ўзгаришларга бой даврида инсоннинг ҳар томонлама камол топиши ҳозирги кун талаби, эҳтиёжидир. Мактабларимиз маънавий жиҳатдан билимдон, ўз Ватанидан фахрланиш туйғуси тўла шаклланган бой кишиларни тарбиялаши керак. Бу эса таълим-тарбия олдидаги мураккаб, кенг кўламли вазифалар қўяди. Бунинг учун ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар савияси ва самарадорлигини ошириш, унинг турли шаклларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Ўз навбатида шундай улкан, масъулиятли вазифани ҳал этишда мактаб, оила ва маҳалла аҳли, кенг жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлаш керак. Зеро, доно халқимизда: "Ота-онанинг бурчи фарзандни дунёга келтирганлиги билангина эмас, балки яхши фарзанд тарбиялаганлиги билан белгиланади..." деган гап бор. Бу ҳамма нарса оиладан бошланади, демакдир. Заррада қуёш акс этганидек, мамлакатга хос маънавий муҳит аввало ҳар бир оилада яққол намоён бўлади. Бинобарин, жамият аъзоларининг ахлоқий сифатлари шаклланишида мактаб билан бир қаторда оиланинг ҳам ўрни беқиёс.

Бугун ёшларимизнинг барчаси ҳам ўз юрти тарихини етарли даражада билади, деб бўлмайди. Кўпчилик ёшлар халқимиз ўтмиши, фани ва маданиятини пухта эгаллашмаган. Баъзиларининг хаёлида ҳақиқий ҳаёт видеодаги ороўпоча ҳаётдир. Шуларни ҳисобга олиб, мактаб ва олий ўқув юртларида, шу билан бирга оилада миллий таълим-тарбия билан жиддий шуғулланиш керак деб ўйлайман. Барча машғулотларда ҳам 10-дақиқа миллий эътиқод ва анъаналаримиз, ахлоқ ва одоб хусусида гапириб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмасди. Шу ўринда буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг қуйидаги сўзларини эслатиб ўтиш жоиздир: "Ўғилларим! Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун Сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг. Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ вазифангиздир!.."

Агар кундалик ҳаётимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга назар ташласак, таълимнинг тарбиядан бирмунча узоқлашиб кетганини кузатамиз. Болаларимизга замонавий техника воситалари асосида билимлар бераяпмиз, уларнинг тарбиясини ҳам четлаб ўтмаслигимиз лозим. Масалан: айрим ёшларимиз ўзларидан катталарни ҳурмат қилишмайди, ёши улуғларга жой ёки салом беришни ўзларига эп кўришмайди. Ҳатто шундайлари ҳам топиладики, улар устози ёки ўзларидан катталарга сўз қайтариб, ҳақоратлашгача боришяпти. Шуларни эшитиб ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши.

Бу билан фақат ёшларнигина айбламоқчи эмасман. Катталаримиз ҳам лоқайд бўлиб бораётганлигидан куюнаман. Масалан: яқин-яқинларгача ерга тушган нон ушоғини кўзга суртиб, бир чеккага олиб қўярдик. Бугунги кунда ахлатхоналардаги нон парчаларини кўриб, ажабланмаймиз. Бугун сершовқин темирйўл вокзаллари, кўча-кўйда, бозорларда, турли ярмарка ва савдо шаҳобчаларида беҳаё аёллар суратлари очиқ сотилмоқда. Магнитафонларни бақиртириб қўйиш, одамлар тинчлигини бузиш, ранжитиш ҳолларига дуч келмоқдамиз. Кўплар буни маданият тараққиётига йўймоқдалар.

Маҳалланинг устунлиги шундаки, кўп йиллар давомида бирга яшаган кишилар ягона оилага уюшганлар. Улар бир-бирларини, ҳар бир оила ва ҳар бир болани тарбиялашда ота-оналарнинг мавқелари ва имкониятларини яхши билишади. Шунинг учун ҳам ҳар бир оила ва маҳалла аҳли фаровон ҳаёт кечиришнинг асосий манбаи ҳалол меҳнат эканини ёшларга тушунтиришлари, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва расм-русумларимизни фарзандлари онгига сингдириб боришлари зарур.

Маҳалланинг устунлиги яна шунда кўринадики, халқимизнинг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлади.

Келажак — ёш авлодники. Бу — ҳақ. Шунинг учун уларни тарбиялаш, келажакка тайёрлаш оила, мактаб, маҳалла ва кенг жамоатчилик вазифасига айланиши зарур. Чунки "Бирлашган ўзар", — дейди доно халқимиз. Ёшларни тарбиялашда ҳам биргаликда иш кўриш фақат ютуқларга олиб келади.

Хусанбой ТОЖИМАТОВ,
ЎзДЖТУ "Ўзбек тили" кафедрасининг катта ўқитувчиси

ЯНАДА ОММАЛАШСА...

Сўнгги пайтларда ҳокимликлар томонидан "Мактаблар куни" уюштирилиши яхши анъаналарга айланиб бормоқда. Зеро, бу ҳамма туманларда ҳам қатъий ташкил этилса, "Мактаблар куни"да 1-2 та мактаб обдон текширилиб, ҳокимликда муҳокама қилиниб борилса, янада мақсадга мувофиқ бўларди.

Taklif

Шунингдек, туман, вилоят халқ таълими бўлими, бошқармалари ходимларининг ҳар бирига, ўқув йилининг бошидан охиригача 3 ёки 2 та мактаб белгилаб берилса, ўша ходим мактабларда очиқ дарслар, ота-оналар йиғилиши, ҳомийларнинг мактабга ёрдами, илғор тажрибалар мактаби каби қатор ижобий тадбирларни, шунингдек, фанлараро мактаблар мусобақаси, рағбатини ташкил этиб борса, нур устига нур бўларди?

Эргаш АТОЕВ,
Навоий вилояти Қизилтепа тумани

Aks-sado

УСТОЗЛАР ҲАМ МАСЪУЛ

"ТАЛАБАЛИК ОЛТИН ДАВР" МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

Севимли газетамиз "Маърифат" саҳифаларида таълим-тарбия жараёнининг долзарб масалалари ёритилаётгани бизни қувонтиради. Шулардан бири газета мухбири Фаррух Бўтаевнинг 2002 йил 13 февраль сонида "Мулоҳаза" рукнида берилган "Талабалик олтин давр" мақоласидир.

Мақолада талабаларнинг дарсларга иштироки билан боғлиқ муаммолар холисона, жонкуярлик билан ёритилганига шубҳа йўқ. Аммо муаллифнинг: "Дарсларда тўлиқ иштирок этиши талабанинг фақат ўзигагина боғлиқ" деган фикри, назаримда, анча мунозарали. Узоқ йиллик иш тажрибамиздан шу нарса аёнки, талабанинг дарсларда фаол иштироки, ички тартиб-интизомга риоя қилиши ўқитувчиларга, уларнинг ҳалоллигига, касбига садоқати, фан сирларини билиши, дарсни қизиқарли, жонли ўта олиши, талабаларга тўғри талаблар қўйиши ва қатъиятлилигига ҳам боғлиқдир.

Негадир биз домлаларнинг бир қисми ҳамма айбни талабаларга қўйишга, уларни уқувсизликда, интизомсизликда, одобсизликда гуноҳкор қилишга ўрганиб қоляпмизу нега менинг дарсимга талаба келмай қўяётир ёки кечикаётир, нега қизиқмаётир, деб мулоҳаза юритмаяпмиз. Нега тест синовларидан ўтиб, ўқишга қабул қилинган талаба дастлабки кунлар, ойларда ҳеч бир дарсга кечикмайди ҳам, ҳеч бирини қолдирмайди ҳам? Аммо дастлабки ойлар, дастлабки ярим йиллик ўтгач, кеча қалбида олам-олам қувонч, ўқишга иштиёқ билан машғулотларга қатнашаётган талабанинг қизиқиши сўнади. Чунки у бир томондан айрим дарслар савиясидан, домлаларнинг машғулотларни юзаки ўтишидан ёки журналист Ф. Бўтаев тўғри айтганидек, домлаларнинг ўзи ҳақида арзир-арзимас хотиралари, кечинмаларидан ҳафсаласи пир бўлса, иккинчи томондан юқори курс талабаларидан қайси домла талабчан-талабчанмас, билимли-билимлимас, рейтинг балини қўйишда ҳалол-ҳалолмаслигини билиб олади. Учинчи ҳолда эса талаба олий ўқув юрти ва оиласи билан мактабдагидек ўзаро яқин алоқа йўқлигини англаб етади. Яъни, фарзандим шаҳарда ўқиб юрибди-да, деб, гоҳ масофанинг узоқлиги, гоҳ рўзғор ташвишлари билан ўз ишидан ортмаган ота-она ўқув юртига келиб фарзандининг ўқиши, дарсга қизиқишини кузатишга имкон топмаса, талабанинг гуруҳ раҳбари ёхуд деканат, ҳамда ўзга масъуллар унинг хулқи, фаолияти тўғрисида ё хат, ё телефон, ё ўзга восита ёрдамида ота-онани огоҳлантирмайди. Демак, тарбиячилар: ота-оналар ва домлаларнинг ўртасида ҳамкорликнинг бузилиши, улар йўл қўйган хатолар талабанинг интизомсизлигини келтириб чиқаради. Олий ўқув юртларида талабаларнинг дарсларга қатнашмаслиги, кечикиши, ўқув манбаларининг юзаки ўзлаштирилиши, ҳатто уларнинг курсда қолиши, ўқишдан четлатилиши масалаларга асло бефарқ қарамаслик, ёшларнинг айби билангина деб баҳоламаслик лозим. Аввало ҳар бир талабанинг характерини, руҳиятини, оилавий муҳитини, қизиқишини имкониятларини ўрганиш олий мактаб домласининг ҳам бурчи бўлиши керак.

Мақоладаги ЎзМУ профессори Ё.Тожиев айтган: "Айримлар давоматга қаттиққўллик билан эришмоқчи бўладилар. Бу назаримда, унчалик тўғри эмас. Қаттиққўллик билан талабани аудиторияда ўтиришга мажбур қилиш мумкин. Аммо бундай мажбурлаш билан билимни сингдириб бўлмайди. Дарсга тўлиқ қатнашиш талабанинг бурчи", деган фикрга қўшилган ҳолда айрим мулоҳазаларни билдирсак. Истаймизми-йўқми, аждодлардан ўтиб келаётган тарбия тизимимизда бир оз қаттиққўллик сақланиши лозим. Биз ўқишда ҳам, ишда ҳам қатъиятлилик қилмасак, интизомни, тартибни қаттиққўллик билан ўрнатмасак, ижобий натижага эришишимиз мушкул кечади. Талабанинг дарсга иштироки унинг бурчи эканлиги рост. Аммо унга шу бурчни тушунтириш, англатиш биз домлаларнинг ҳам вазифамиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Муҳтарам домламиз Ё.Тожиев таъкидлаганидек; мажбурлаш билан билимни сингдириб бўлмайди. Аммо ишончим комилки, ўқитувчи ўз фанини билса, билиш камлик қилади, талабаларни унга жалб эта олса, улар дарсдан қочмайди, ё эснаб ўтирмайди. Демак, талабани дарсга жалб эта олмадими, аввало домла касбига лаёқатсиз. Чунки илмий даражага ёки унвонга эга ҳар ким домлалик қила олмайди. Афсуски, биз кўпроқ шунга урғу берамиз. Бизнингча, ҳар бир домла илмий даража ёки унвонга эга бўлгани ҳолда, ёшлар интилишини, руҳиятини чуқур англаши, улар дилига йўл топа билиши, ёшларни эзгу ишларда изидан эргаштира олиши шарт. Уларнинг шу фазилатларига эътибор бермаслик хатодир.

Журналист Ф.Бўтаев таъкидлаганидек, берилган маъруза матнлари талабаларнинг мавзу доирасида мустақил изланиши, фикрлаши, қўшимча манбаларни ахтариши, дарсда фаол иштирок этишини таъминлаши, шунингдек ўқитувчи ҳам ўзи берган матнлар билан чекланиб, уни такрорлаб қолмай янги далиллар билан тўлдиришни талабалар билан савол-жавоблар асосида мавзуни мустаҳкамлаши зарур. Шунда баъзи домлаларнинг маърузаларда талабага балл қўйиб бўлмайди, вақт етишмайди деган баҳоналарига имкон қолмайди. Холбуки, устоз ўзи изланмаса, талаба матнни дарсда қайта ўқишдан ўзга усул топа олмаса, табиий ҳолда талабалар дарсга қатнашмай қўяди. Демак, маъруза матнидан талабалар хабардор бўлгани ҳолда дарсларни ташкил этиш усуллари ҳақидаги илғор тажрибаларни ҳам матбуотда кенгроқ ёритиш лозим.

Хуллас, талабаларнинг давоматини тўлиқ таъминлаш мустаҳкам илм беришнинг асосий воситаларидан бири экан, бу ишда устоз домлалар масъулиятини ҳам ёдда сақлаш лозим. Давоматни йўлга қўйишда олий ўқув юрти ва оила ҳамкорлиги муаммолари ҳамда муҳимки, бу яна бир мақолага мавзу.

Абдиолим ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,
Қарши ДУ доценти

МАКТАБ ИШИГА ЭЪТИБОР

Қўрғонтепа туман ҳокимлиги ташаббуси билан 2001 йилнинг декабрь ойидан тумандаги ҳар бир мактаб, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига ширкат хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар, хусусий фирма ва фермер хўжаликлари ҳомий ташкилот этиб биркитиб қўйди ва 2002 йилдан бошлаб ҳар ойнинг учинчи чоршанбаси туманда "Мактаблар куни" деб эълон қилинди. Шу куни таълим муассасаларига боғланган ҳомийлар мактаблар, болалар боғчаларига, келиб, у ердаги ўқув-тарбия ишлари билан танишадилар, ўқитувчиларнинг дарс машғулотлари ва тадбирларини кузатадилар, жамоа билан жонли мулоқотда бўладилар.

2-ўрта мактаб ҳомийлар Қўрғонтепа пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти (раиси Муҳаммадамин Аюбжонов), туман йўл қурилиш ва таъмирлаш идораси (бошлиғи И.Муҳаммадтурсунов), "Истиқбол—Мустақиллик" фермер хўжалиги (раҳбари Д.Юсупов) каби ташкилотлар белгиланган куни мактабда бўлишиб, маъмурият билан унинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, уни таъмирлаш билан боғлиқ ишларни ва кундалик амалий ёрдам миқдорларини маслаҳатлашиб оладилар. Пахта тозалаш заводи 2002 йил 1 августгача мактабни тўла таъмирлаш, унинг ички ва ташқи иситиш тизимидаги носозликларни ўнглаш ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларига дарсликлар сотиб олиш учун 100 минг сўм маблағ ўтказишни режалаштирди. Шунингдек, туман йўл қурилиши идораси мактаб ҳовлиси ва йўлакларидаги асфальт қилинган жойларни тўла таъмирлаш, уни ободонлаштириш ишларига ёрдам беришга ваъда берди.

Ta'kid

Бундан ташқари мактабнинг собиқ ўқувчилари ҳам мактабга ўзларининг беминнат ёрдамларини уюштиришга келишиб олдилар. Мактаб битирувчиларидан Тилаволди Мамажонов, Холматжон Сатторов, Содиқжон Ҳамдамов, Абдумухтор Мирзаматов, Улуғбек Дадабоев ҳамда Комилжон Каримов, Абдуманноб Юсуповлар мактабни жиҳозлаш учун қурилиш ва бўёқ материаллари олиб бердилар.

А.МАҚСУДОВ

ЎҚУВЧИ КИТОБ ЎҚИМАЙДИ (МИ?)

Мен газетанинг ҳар бир сонини диққат билан ўқийман. Унда бериб борилаётган мақолалар давр талабига жавоб беради. Маълумки, ҳозирги кунда халқ таълимида ўз ечимини кутаётган муаммолар кўп, шулардан бири Маҳмуда Валиеванинг ("Маърифат" 2001 йил 10 ноябрь) "Ўқувчи китоб ўқимайди (ми?)" мақоласида кўтарилган муаммо, яъни ўқувчини қандай қилиб китобхон қилиш мумкинлиги ҳақидадир.

Менимча, "Йилнинг энг фаол китобхони" кўрик-танловини жорий этиш керак. Танлов 3 босқич (туман, вилоят, республика)да ўтказилиб, ўқувчиларнинг ёшига қараб 3 гуруҳга бўлинган ҳолда олиб борилади. Унга кўра

1-кичик гуруҳда 1-4 синф ўқувчиларидан.

2-ўрта гуруҳда 5-9 синф ўқувчиларидан.

3-катта гуруҳда 10-11 синф ўқувчиларидан ғолиб ўқувчи аниқланади.

Танлов иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

***1-шарт:** Ўқувчининг ўзи ўқиган китоблари кўргазмасини намойиш этиши.*

***2-шарт:** Китоб муаллифлари ҳақида маълумот бериши.*

***3-шарт:** Ўқиган китобларининг айримларини мазмуни ҳақида сўзлаб бериши.*

***4-шарт:** Ўқиган китобларидан олган таассуроти ва муносабатини билдириши.*

Баҳолаш мезонлари эса қуйидагича бўлади:

1-шарт бўйича. Кўргазмадаги китобларнинг аҳволи ва сони асосий шарт қилиб олинади ва 10 балли тизимда баҳоланади.

2-шарт бўйича. Ҳакамлар томонидан кўргазмадаги китоблардан 3 тасининг муаллифлари ҳақида маълумот сўралади ва 10 балли тизимда баҳоланади.

3-шарт бўйича. Ҳакамлар танлаган 3 та китобнинг мазмуни иштирокчи томонидан қисқача сўзлаб берилади ва 10 балли тизимда баҳоланади.

4-шарт бўйича. Ўқувчи ҳакамлар томонидан танланган 3 та китобдан олган ўз таассуроти хулосаларини сўзлаб беради ва 10 балли тизимда баҳоланади.

Ушбу шартлардан кўзланган мақсад энг аввало, ўқувчининг ўз фикрига эга бўлишига, воқеага ўз муносабатини билдира олиш, уни аниқ ва равон баён эта билиш қобилиятларини шакллантиришга қаратилгандир.

Ҳакамлар ҳайъатига тумандаги кутубхона ходимлари ва маънавият ишлари билан шуғулланувчи ходимлар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Чунки баҳолашда, маслаҳат беришда улар мутахассислик нуқтаи назари билан ёндашадилар. Бу албатта, ёш китобхонлар учун фойдадан холи бўлмайди.

Дарвоқе, танлов иштирокчиларини тақдирлаш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ғолиб ўқувчига эътибор унда ғурур туйғусини шакллантиради.

Фикримча, мазкур йўналишдаги кўрик-танловни тадбиқ этсак, нашр этилаётган китоблар тезда ўз эгаларини топади, болаларнинг китобга бўлган муносабати ўзгаради. Минглаб шахсий кутубхоналар фаолиятига йўл очган бўламиз. Ундан эса миллионлаб болалар фойдаланишини тасаввур этиш қийин эмас.

Шаробиддин ҚУРБОНОВ,
Қўрғонтепа туманидаги 34-ўрта мактаб ўқитувчиси

ТАЛАБА, ЯШАШИНГ ҚАНДАЙ?

ёхуд Қарши Давлат университети талабалари ҳаётидан бир лавҳа

Ҳаётнинг энг гўзал ва тотли дамлари талабалик йилларидир. Шу боисдан ҳам бу давр олтинга қиёсланади. Нега? Олтин — тоза, қимматли ва бебаҳо бойлик.

Сиз нима деб хотирласангиз, ўзингизга ҳавола. Аммо шахсан мен учун талабалик йилларим такрори йўқ орзулару, чеки йўқ пок ниятлар оғушидаги бахти бекам онларим эди. Мен у йилларимни жуда-жуда соғинаман... Қачон, қаерда бўлмайин талабалик йилларимдан қолган азиз хотираларим кўз олдимдан ўтаверади.

Мана бугун ҳам Қарши Давлат университетининг 1-талабалар уйи остонасини ҳатлаб, бир олам орзулар қанотида яшаётган талаба ёшлар қуршовида турарканман, яна ўша қайтарилмас ширин онларимни эсладим.

Эҳ, талабалик йилларим... Содда ва самимий дўстларим... Қани ҳозир ўша талабалик дўстларим худди шу ерда жамулжам бўлиб қолишса, дилдан суҳбатлашсак. Худди ўша даврдагидек беғубор ўйнаб-кулсак... Йўқ, йўқ. Бунинг сираям иложи йўқ. Тарихни орқага қайтарувчи "машина" ҳали яратилмади.

Остона ҳатлаб ичкарига кирган талаба қизнинг қўлларида ўзимизнинг "Маърифат"имизнинг сўнгги сони. Узини Ҳилола Худойқулова деб таништирган муштарий синглимизни суҳбатга тортамиз.

— "Маърифат"нинг бу сонидаги "Талабалик олтин даврим, ёхуд бунга юклангган масъулиятни ким қандай тушунади?" мавзуси остида берилган мулоҳазали мақола менга ёқди. Тўғри фикр. Талабани қаттиқ қўллик билан аудиторияга зўрлаб ўтирғизишдан фойда йўқ. Менимча, ҳам энг аввало, талаба ўз бурчини англамоғи учун аудиториядаги ўқув машғулотлари уни ўзига мудом тортиб турмоғи керак...

Талабалар уйи пойидаёқ шу ерда тўпланишиб қолган устозу шогирдлар билан аҳчагина суҳбатлашишга улгурдик. Талабаларимиз ҳеч бир нарсага бефарқ эмас. Сиз "Улар ҳали буни билмайди" деб ўйлаб юрган нарса ёки жараённи улар аллақачон билиб олишган. Аммо шунда ҳам, улар машойихларимиздан то бизгача етиб келган "хонадонингни яхшисини ошириб, ёмонини яшириб яша" деган ҳикматга қатъий амал қилишади. Майли, бундан сираям хафа бўлганимиз йўқ. Керак бўлса, бу ҳам одамийликнинг бир кўриниши.

Талабаларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдик. 1-талабалар уйида 214 нафар талаба яшайди. "Ўз уйингни ўзинг асра". Ҳа, шундай. Талабалар уйида қатъий навбатчилик, қаттиқ тартиб-интизом, рисоладагидек озодалик йўлга қўйилган. Заллар ораста Маънавият ва маърифат, маиший хизмат кўрсатиш, қизлар учун гигиена, ўринли ошхонаю чойхоналар, тикувчилик цехи ва пойабзал тузатиш устахоналари, омонат касса, спорт комплекси, 50 ўринли санаторий-профилакторий, тиббий хизматлардан фойдаланмоқдалар. Бундан ташқари, тил ўрганиш ва халқаро бизнес мактаби, компьютер ўрганиш марказлари ва яна турли-туман тўгараклар ташкил этилган.

Жорий йилнинг ўзида талабалардан 36 нафари Хоразм вилоятига, яна 40 нафари Термиз шаҳрига сайёҳатга бориб келишибди.

Университетда илмий салоҳият етарли. Аълочи, иқтидорли, зукко ва билимдон талабалардан иборат "Заковат" интеллектуал клуби иш бошлаши ҳам шундан далолат беради.

Абдували ОБИДДИН,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Мирзо Улуғбек туманидаги 280-болалар боғчасида ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун эса боғча тарбиячилари Юлдуз Абдуллаева ва Бахт Жўлдосовалар тинимсиз меҳнат қилишмоқда.

Суратда: 280-болалар боғчасидан лавҳалар.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат

ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН КИТОБ

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш» миллий дастури сингари давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар қабул қилингандан кейин таълим тизими кескин бурилишга юз тутди. Юртимиз маърифий ҳаётида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва мутахассисларга яхши маълумки, мактаблардаги барча ўқув фанлари бўйича давлат таълим стандарти яратилди. Улар асосида янги педагогик тафаккур шароити талабларидан келиб чиқиб дастурлар янгиланди, дарсликлар яратилмоқда. Адабиёт ўқитиш методикаси илмида кашф этилган тозариш, янгиланиш «Адабиёт» дарсликларига сингдирилган ҳолда, адабий таълим амалиётига ҳам аста-секинлик билан кириб келмоқда.

Бугунги кунда янгиланган дарсликлар билан ишлаш амалиётчи ўқитувчиларнинг маълум қисмига бир оз эриш туюлаётгани ҳам ажабланарли эмас. Ҳар қандай янгилик ва ўзгаришнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши осон кечмайди. Шу жумладан, адабиёт дарсларида ўқитувчининг эмас, ўқувчининг кўпроқ ишлашига, ўйлашига, таҳлил қилиб, мулоҳаза юритиб, фикр айтишига, дарслик муаллифларинкидан фарқли равишда ўз хулосаларини чиқаришига, ўзининг тарбияланиши ва руҳиятида инсоний фазилатларнинг шаклланишида шахсан иштирок этишига хизмат қилишга қаратилган «Адабиёт» дарсликлари ҳам ўқитувчиларда маълум эътирозлар туғдираётгани табиий ҳол.

Маълумки, бугунги ўқитувчи кечаги жамиятда мутахассис сифатида шаклланган. Амалдаги ислоҳотларнинг ўлар руҳиятида, шуурида, амалий фаолиятида ўз аксини топиши учун тарбияловчиларга янги дарсликлар билан ишлаш учун махсус методик қўлланмалар, маслаҳатлар, тавсиялар зарур. Шу маънода, 2001 йилда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан Қ. Йўлдошев ва Қ.Хусанбоевлар ҳамкорлигида чоп эттирилган «Ўқитувчи китоби» номли методик қўлланма ҳар бир адабиёт ўқитувчисининг «стол китоби» бўлиши тайин. Ушбу китоб адабий таълим методикаси илми сўнгги ютуқлари асосида битилганлиги билан диққатга сазовордир.

Қўлланманинг «6-синф «Адабиёт» дарслик-мажмуаси ҳақида» номли илмий мақоласида дарсликнинг моҳияти тўлиқ очиб берилган: **«... (бу дарсликлар) дунёқараши ўзига хос тарзда қандай ҳаётий ёки бадиий ҳодисага ўз тафаккури доирасида муносабат билдира оладиган ўқувчилар билан ишлашни назарда тутади. Ўқувчилик умрининг шу вақтга қадар бўлган даврида фақат ўқитувчиси айтган гапнинг тўғрилигига ишониб ўрганган, устознинг адашиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмайдиган, унинг учун ҳақ йўлни муаллими ва китоби кўрсатиб беришига ўрганган, ўқитувчисидан эшитган ва дарслигидан ўқиб билганларини такрорлаб ўрганган ўқувчи бу дарслик билан тўқнашганда бир оз ҳайратланиши мумкин»** —дейилади унда. Унда илмий мақола 6-синф дарслиги мазмуни, ундаги ўзгаришлар таҳлили ва хусусиятларига алоҳида тўхталинади. Шундан сўнг дарсликдаги ҳар бир мавзуни дарсда ўрганиш юзасидан махсус методик ишланмалар тавсия этилади.

Адабий таълимнинг янгиланган мақсадига эришиш йўлида ёзилган мазкур қўлланмада 6-синф «Adabiyot» дарслик-мажмуасида тақдим этилган ҳар бир ўқув материали дарс соатларига тақсимланган ҳолда таҳлил этилган. Ҳар бир адабий асарни ўрганиш учун ажратилган соатларнинг биринчисида нима ишларни қилиш, иккинчи ва учинчи дарсларда қандай фаолият юритиш йўллари кўрсатилган, ҳар бир адабий матн илмий асосда бадиий таҳлилга тортилган.

Қўлланма муаллифлари дарслик материалларининг ўрганиш усулларини тақдим этар экан, ўқувчи шахсини биринчи планга кўтаради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқувчининг фикрига, у ўқитувчига ёқадими, йўқми, унинг ўз хулосасига эга бўлиши лозимлигига урғу беради. Масалан, Ж.Родари ижодини ўрганишга бағишланган мақолада: **«Ёзувчи асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари тасвири билан нимани назарда тутгани ҳақида ҳар бир бола ўзича хулоса чиқарсин, ўз фикри, ўз дунёқараши, ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб муносабат билдирсин. Эртак матни таҳлили жараёнида асосан ўқувчи ишлашига эътибор қаратиш лозим. Бола фикр айтсин, уни асосласин. Асарнинг бадиий жиҳатларини, ундаги ботиний фикрларни ўзи учун ўзи кашф этсин. Ўзини зўриқтирсин, меҳнат қилсин»** — дейилади ва асарни шундай ўрганишнинг йўллари тавсия этилади.

Ёки Ч.Айтматовнинг **«Оқ кема» асарини ўрганиш хусусидаги илмий мақолада: «Матнда қавс ичида берилган «Мўмин буғи авлодидан бўлиб, бу билан ғоятда фахрланар ва ўз қабиладошларидан биронтасининг маъракасидан қолмасди» деган жумла бор. Унга болаларнинг диққатини алоҳида қаратиш керак. Ўқувчилар бунинг сабабларини аниқлашга уринсинлар. Нима учун адиб чолни «камдан-кам учрайдиган бахтли одам» деб баҳолаяпти? Одамларга яхшиликлар қилиб эвазига ҳеч нарса талаб этмайдиган, аксинча, айримларнинг масхаралашига нишон бўладиган, лекин бундан зарра қадар оғринмайдиган бобо табиати ҳақида болалар ўйлаб кўришлари зарур. Одамнинг бахти унинг димоғдорлигидами ёки атрофдагиларнинг муносабатларидан қатъий назар ўз кўнглидагидай яшай олиш салоҳиятига эгалигидами эканлиги ҳақида мулоҳаза юритиш ўқувчиларни ҳаётга жиддийроқ қарашга, одамларнинг хатти-ҳаракатларига синчиклаброқ назар солишга олиб келади. Ўзини боридай кўрсатиш, аслида ҳам кўрсатаётгандай бўлишга интилиш, самимийлик, дил, фикр, тил, амал эзгулиги, гўзаллиги ва бир хиллиги камолотнинг, комилликнинг дастлабки сифатлари эканини болалар руҳиятига маҳкамлаш шарт»** — дея ўқитувчининг вазифаларига алоҳида урғу берилади. Шундай ишлашнинг йўллари таклиф этилади.

Методик қўлланмада 6-синф «Adabiyot» дарслик-мажмуасидан ўрин олган ҳар бир адабий материал юзасидан мана шундай илмий мақолаларда дарс ўтишнинг бир неча варианти тақдим этилган, ўқитувчига синфдаги ўқувчиларнинг даражасига қараб танлаш имконияти яратилган.

Хуллас, қўлланма ҳақида гапирса гап кўп. Лекин унинг ўзига эга бўлиш, методика илми янгиликларидан амалий маслаҳатлар тарзида баҳраманд бўлиш муҳимроқ. Ўқитувчилар фаолиятини давр талаби даражасига кўтаришда уларга кўмакдош бўладиган шу каби методик қўлланмаларни барча дарсликлар бўйича яратишга соҳа олимлари масъулдирлар. Ўқитувчиларни ҳам, муаллифларни ҳам янги методик қўлланма билан қутлаймиз.

Назира ҒУЛОМОВА,
Мамаражаб ТЎРАЕВ,
РТМ Давлат тили бўлими ходимлари,
Маҳмуда ВАЛИЕВА,
274-мактаб муаллимаси

Taqriz

УЛОҚЧИ БОЛАНИНГ ЎЙҒОНИШИ

Бундан 100 йил олдин, яъни XX аср бошларида ўлкамизда янгича ҳаёт, миллий уйғониш, дунёдаги ўзгаришларни англаш жараёни кучайди. Айни шу дамда ўзбек адабиёти, маданиятига оврўпача қараш, у адабиётдан таъсирланиш сезиларли натижаларини кўрсатди. Бунда миллатимиз зиёлиларининг фаол ҳаракати муҳим рол ўйнади. Жумладан, халқимиз адабиёти тарихида ёрқин из қолдирган ноёб истеъдод эгаси Абдулла Қодирий ҳикоялари, ҳажвий асарлари, адабий-танқидий мақолалари, бадиий таржималари билан ўзбек адабиёти хазинасига муносиб ҳисса қўшди.

Қодирий бадиий адабиётнинг турли жанрларида ижод қилди. Унинг асарларида болалар образи ҳам ўз ифодасини топган. Ёзувчининг бадиий жиҳатдан пишиқ, шу кунларда ҳам севиб ўқиладиган асарларидан бири "Улоқда" ҳикоясидир. Ҳикояда алоҳида эътибор қаратиш шарт эмасдай туюладиган оддий халқ удумларидан бири — кўпкари воқеаси тасвирланади. Бироқ, оддий воқеалар тасвири беғубор ўсмир, улоқчи бола тилидан, унинг нуқтаи назари билан ҳикоя қилинади.

Ҳикоячи қаҳрамон эндигина мустақил ҳаётга қадам қўяётган, ҳамма нарсага қизиқиш билан қарайдиган, аммо катталар турмуши, расм-русумлар, рўй бераётган ҳодисалар тагига етишга қодир бўлмаган бола. Ёзувчи ҳодисаларга аралашмасдан шу беғубор бола нигоҳи орқали воқеалар тизимини холисона гавдалантиради. Муаллиф гўё бола панасига туриб ғоят усталик, донишмандлик билан воқеалар жараёнини кузатиб боради. Улар ҳақида мушоҳада юритиш, хулосалар чиқаришни эса ўқувчи ихтиёрига қолдиради.

Ҳикоя боланинг тойчоғини безантириши, унга қараб туриб келажакда "Турғун чавандоз" бўламан деган ширин хаёллларга бориши ва ўзига ҳам "чин тўраларча" оро бериши билан бошланади. Адиб боланинг ҳар битта ҳаракатига алоҳида эътибор қаратади. Унда бир йўла болаларга ва ўсмирларга хос ҳаракатларни учратамиз. Масалан, янги кийим киймоқчи бўлса, албатта "шайтон йиғиси" қилмагунча онаси рухсат бермаслиги болаларга хос бўлса, ўзига дид билан оро бериши, атрофдагиларга ўзини кўз-кўз қилиши, мақтанишида балоғат ёшига қадам қўяётган ўспириннинг хатти-ҳаракатларини кўрамиз.

"Мендан йўл бўлсин бойвачча — деб сўради. Мен уялинқирадим". "Ҳар ким ҳар нарсадан баҳс қилади, менга ҳам сўз қотиб қўядилар. Мен уяламан". "Мен бобомнинг мақтовини эшитиб, кеккайиб бормоқдаман. Айниқса, мени "чавандоз" деб аташлари жуда ҳам кайфимни келтириб, ичимдан "отангга раҳмат", — деб қўйдим" каби жумлаларда ундаги болаликка хос бўлмаган жиҳатларни пайқаймиз. Шу ерда қайд этиш керакки, боланинг ёшини ҳикоя персонажлари орқали билиб оламиз: "Маҳкам бойваччанинг ота-бобоси ҳам улоқчи бўлган, ўн икки яшар укасининг кўрмайсизми, шу ёшдан улоқ чопмоқчи". Бу ерда муаллиф боланинг ички кечинмаларини тасвирлаб туриб, унинг ёшини баён қилади. Демак, ҳикоя қаҳрамони ўсмирликка қадам қўяётган йигитча, тўғрироғи "чин тўрача" эканлиги маълум бўлади.

Ҳикояда яна бир жиҳат эътиборни тортади, у ҳам бўлса оила аъзоларидан фақат онаси у билан мулоқот қилади, фақатгина онасининг гаплари, насиҳатлари берилади. Шеркон Қодирийнинг "Қодирийни қўмсаб" номли хотира китобида айтилишича, А.Қодирийнинг онаси ёки рафиқаси, ўғлингизга одоб беринг, — дейишса, Қодирий, — одоб бермайман, чунки уларни ҳалол меҳнат билан боқаётирман. Бунда хосият кўп, — дея жавоб беришига ушбу ҳолни қиёслаш жоиз. Қодирийнинг асар яратиш бобида реалликка интилганини шу оддийгина мисолдан ҳам кўришимиз мумкин.

"Улоқда" ҳикоясида онасининг: — кийимларингни кир қилма, тойингни қаттиқ чоптирма, улоқчилар орасига кириб бирор ҳодисага йўлиқма, ўртоқларинг билан бир четда туриб томоша қил!", — дегани билан улоқ ўйини бошланмасдан олдин Ориф саркорнинг: "Оғайнилар! Бола-чақаларни четга чиқаринглар, от оёғида қолгудек бўлмасин, ўзларинг ҳам эҳтиёткор жойда турингглар, ҳайвон билан бўлган иш қийин", — деган хитоблари орасида маълум бир ўхшашлик бордек. Онаси ҳам "бирор ҳодисага йўлиқма" деса, Ориф саркор "эҳтиёт бўлинглар, ҳайвон билан бўлган иш қийин" дейди. Бу ерда муаллиф гўё бўладиган воқеа ҳақида ўқувчига олдиндан башорат қилаётгандек туюлади. Шу ерда рус ёзувчиси А.П.Чеховнинг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: "Агар биринчи кўринишда милтиқ бўлса, шу милтиқ учинчи ёки тўртинчи кўринишда албатта, отилиши керак, йўқса, милтиқ тўғрисида сўзлашнинг ҳожати йўқ". Демак, хавф-хатар ҳақида гапирилдими, ҳақиқий фожеа юз бериши шарт.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳикоя ёш ўспирин нутқи орқали гавдалантирилади. Хўш, нима учун бу каби мураккаб воқеаларни Қодирий айнан беғубор бола тилидан гапирди?

Фикримизча бу, воқеанинг холислигини, жимжимасизлигини, ҳақиқатга яқинлигини ва тушунишнинг осон бўлишлигини таъминлаш мақсадида қилинган бўлса, ажабмас. Яна авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касб-кордаги турғунликка улоқ ўйинида рўй берган фожеа оқибатида бироз дарз кетиши, ишқибозликнинг сусайиши мумкиндай тасаввур уйғотади ўқувчида.

Буни қуйидаги мисралар орқали исботлаш мумкин: "Мен уйқули кўзим билан — Дадам бозор кетмадими? — деб сўраган эдим, ойим: — Эсонбойнинг жанозасида! — деб жавоб берди. Менинг уйқум ўчди".

Буни бошқачароқ изоҳлаш ҳам мумкин. Унутмаслик керакки, Абдулла Қодирий уйғониш даври ижодкори эди. Демак, юқоридаги ҳикоя қаҳрамонининг уйқудан уйғонишини ўша давр, муҳит нуқтаи назаридан олиб қаралганда халқни, миллатни уйғонишга, барча рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга очиқ кўз билан қарашга ва уларга нисбатан муносабат билдира олишликка чақираётгани, ундаётгани яққол сезилиб туради.

Юлдуз НУРМЕТОВА,
ЎзМУ ўзбек филологияси факультети 4-курс талабаси

УЧРАШУВ

Андижон Давлат университети ректори, профессор, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори Сирожиддин Зайнобиддинов раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар, муаллимлар Булоқбоши туманидаги 14-мактаб-интернатга ташриф буюрдилар. С.Зайнобиддинов ўқувчиларга илм йўлининг машаққатлари, илм-фанда муваффақиятга фақатгина тинимсиз меҳнат орқали эришиш мумкинлиги ҳақида сўзлаб берди.

С.Зайнобиддиновнинг ярим ўтказгичлар бўйича олиб борган тадқиқотлари чет эллардаги олимлар назарига тушиб, ўндан ортиқ чет мамлакатларга сафар қилди, илмий ишини янада бойитди.

Шунингдек, С.Зайнобиддинов мактаб ўқувчилари билан университет олимлари ўртасидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам давом этишини, иқтидорли ўқувчиларнинг изланишлари етук олимлар томонидан қўллаб-қувватланишини айтиб ўтди.

Тадбир давомида университет олимлари томонидан ёзилган китоблар ўқувчиларга ҳадя қилинди.

О.СИДДИҚОВ

Mehr qolur

БИРИ ОЙ, БИРИ ҚУЁШ

Бошни фидо айла ато қошига,
Жонни фидо айла ано қошига.
Икки жаҳонинга тиларсан фазо,
Ҳосил эт, ушбу иккисидан ризо.
Тун-кунунга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг бу сатрлари ҳар биримизнинг дилимизда акс-садо бериб туради. Ота-она ҳақидаги бу сатрлар қадимқадимданоқ ҳаётда ўз маъносига эга. Ота-онани ва кексаларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, қадрлаш, халқимизнинг ўлмас анъаналаридан биридир. Муқаддас динимизнинг устунлари бўлмиш ҳадислар эса ана шу озуқанинг энг бойи ва боқийси ҳисобланади. Ҳадиси шарифдаги буюк инсоний шахс ҳисобланадиган ота-она ҳурмати, розилиги, уларга итоат этиш, яхшилик кўрсатиш, қарилик сифатлари, уларга кўрсатиладиган меҳр-мурувват каби боблар алоҳида эътиборга сазовордир.

Инсон ҳаётда қанча умр кўриши ҳеч кимга аён эмас. Зар қадрини заргар билади деганларидек, кексалик ҳақиқатини уларнинг ўзидан бошқа ҳеч ким чуқурроқ англамайди. Ҳозирги кунда ота-онасини, нуроний кексаларимизни "бобой", "кампир", "чол", "мамашка", "пахан" деб чақирадиган тенгқурларимиз ва баъзида катта ёшдаги амакиларимиз ҳам учраб туради. Бундай дейиш аслида қарғиш билан баробар. Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: Расулуллоҳ саллалоллоҳу алайҳи вассалам: "Одам гуноҳи азимларидан бири ота-онасини ҳақорат қилмоқдир" дедилар. Шунда "Ё Расулуллоҳ, одам ўз ота-онасини қандай қилиб ҳақорат қилмоғи мумкин?!" дейишади. Жаноб Расулуллоҳ "Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлур" деб жавоб қиладилар. (Имом ал Бухорий, Ал Жомиъ ас-саҳих. 4-Китоб. 78-бет).

Валинеъматим, онажоним, падарим, отажоним, қуёшим нурафшоним каби сўзлар яна қайси халқ луғатида бор. Ота-онасининг хизматида юрган инсонни бир қадами савоб, иккинчи қадами гуноҳига каффорот (Ҳадисдан) экан. Ақлли, идроклн, комил инсон ўзига қандай муносабатда бўлса, ўзгага ҳам шундай муомалададир. Ота-оналаримизнинг тенгқурлари ҳам ҳурмат эътиборга лойиқдирлар. Демак, биз бегона қарияга ҳурмат кўрсатсак, ўз ота-онамизни ҳурмат қилгандек бўламиз.

Ҳозирда республикамизда бир нечта мурувват уйлари бор. У ерда бир ҳовуч меҳрга муҳтож, қалблари кемтик кексаларимиз тўкис шароит билан ҳаёт кечирмоқдалар. Уларнинг бу ерга қандай келиб қолгани инсонни ажаблантиради, албатта. Ақл илмга муҳтож, қалб меҳрга. Бундай жойларга бир оғиз ширин сўзи-ю арзимас совғасаломи билан кириб борган киши Оллоҳнинг марҳаматига лойиқ бўлади.

Ота-онага бўлган иззат ва ҳурмат уларнинг тириклигидаёқ ўз ўрнига қўйилса, ҳеч бир фарзанд кейинчалик афсус-надомат чекмайди, аксинча, худди шундай иззатикром уларга ўз болаларидан қайтади.

Буюк шоир Алишер Навоий сўзига қайтиб айтиш мумкинки, биз фарзандлар ўз жону жисмимизни ота-оналаримизга фидо қилсак, уларнинг розиликларини олсак, қоронгу йўлимиз ёруг, ҳаётимиз бахтиёр бўлар экан.

Абдулмунжит ҚОРИЕВ,
ТошДШИ III курс толиби

ҲАМ ЎРГАНИБ, ҲАМ ЎРГАТИБ

Яқинда Хоразм вилояти ҳокимлиги ва халқ таълими бошқармаси томонидан вилоят мактаблари ўртасидаги ўзаро текшириш ташкил қилинди.

Текширишда туман ва шаҳар мактабларининг директорлари ҳокимликлар, халқ таълими бўлими ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари билан ҳамкорликда қўлларидаги саволномалар асосида бир-бирларининг мактабларидаги ҳужжат юритиш, экологик аҳвол, янги педагогик технологиялар тадбиқига йўналтирилган услубий ўзгаришлар жараёни, китоб таъминоти, маҳалла ва ота-оналар билан алоқа, дарслар таҳлили, борингки, таълим-тарбияга оид барча хусусиятларни ўрганиб, ўзаро фикр алмашдилар ва бир-бирларига тегишли маслаҳатлар бердилар. Ҳар бир тумандаги текшириш сўнгида якуний йиғилиш ўтказилиб, унда кўрилган жойлардаги ютуқлар ва камчиликлар рўй-рост баён этилди ва шунга асосан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Б.МАҲМУДОВ

ИҚТИДОРЛИЛАР — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Яқинда иқтидорли, янгилик яратишга иштиёқманд, ўз ўлкаси тарихи, экология масалалари устида иш олиб борган болалар республика миқёсидаги «Иқтидорли болалар анжумани»га йиғилишди.

Анжуман истеъдодли болалар билан ишлашга педагогларни, инженер-техник, ижодкор зиёлилар ва жамоатчиликни жалб этиш, қобилиятли болаларни излаш, улар иқтидорини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ўқувчиларнинг ижодкорлик малакаси ва қизиқиш доираларини ривожлантириш, ўқувчининг ўз ишини жамоатчилик олдида намоён эта олиш қобилиятини шакллантириш каби бир қатор мақсадларни кўзлаб ҳар йили ўтказилади.

Анжуманда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида босқичма-босқич ўтказилган танловларда ғолиб чиққан, энг яхши ижодий иш муаллифлари қатнашдилар. Бир нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, ўтган йилгидан фарқли ўлароқ, бу галги фестивалда икки йўналишда тўққизта шўъбага бўлиниб иш олиб борилди.

Даставвал иктидорли ўқувчилар Тошкент шаҳрида бунёд этилган иншоотлар билан танишишди, «Шаҳидлар хиёбони»ни зиёрат қилишди. Сўнгра «Темурийлар тарихи» Давлат музейида «Тарихчи -ўлкашунос», «Географ-ўлкашунос», «Санъатшунос-этнограф», «Адабий ўлкашунослик» йўналишидаги бешта шўъба иш олиб борган бўлса, Республика ёшларининг «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуасида «Экология ва инсон саломатлиги», «Табиатни муҳофаза қилиш», «Агроэкология ва агробизнес», «Сув ва ундан фойдаланиш» йўналишидаги тўртта шўъба ишлади.

Биз анжуман иштирокчилари ва уларнинг муаллимлари билан суҳбатда бўлдик.

Жиззах вилояти Жиззах тумани П.Собиров номидаги 11-ўрта мактаб ўқувчиси Маъмура Ибрагимова:

—Мен тарих фани ўқитувчимиз Файзи Муродова билан биргаликда «Авлиё Ғойиб ота» деб номланган илмий иш устида тадқиқот олиб бордим. Биз ўрганган мавзу шуниси билан қизиқарлики, Ғойиб ота XI-X асрларда яшаб, кўплаб каромат кўрсатган. Кўпчилик уни афсонавий шахс деб ҳисоблайди. Жиззахдаги Ғойиб ота номли зиёратгоҳга турли жойлардан ҳожатманд кишилар келиб, сиғинишади. Биз эса у кишининг ҳақиқатан ҳам яшаганлигини исботлаб бермоқчимиз.Илмий изланишларим давомида бир қанча адабиётлардан фойдаландим, кекса ёшли кишилар билан суҳбатлашдим.

Шўъбалар ўтаётган хона эшиги олдида турган опани суҳбатга тортамиз.

— Опа, бирорта ўқувчингизни анжуманга олиб келган бўлсангиз керак-а?

—Албатта, ўқувчим Юлдузхон Хусаинова «Мен изга қайтаман, ўзга қайтаман. Ё Имом Термизий Сизга қайтаман» деб номланган ишни тайёрлади. Мана ҳозир у ўз ишини ҳакамлар ҳайъати ҳукмига ҳавола қилмоқда. Биз Имом Термизий ҳазратларининг ҳаёти ва ижодини икки йил мобайнида ўргандик. Кўпгина янги маълумотлар топдик. Ўқувчим илм йўли оғирлигини, бу йўлда учрайдиган барча қийинчиликларга сабр ва чидам билан бардош бериш кераклигини ҳам тушуниб етди, деб ўйлайман. Яқинда қўлимизга Азиз Термизий ва Муҳсин Термизий каби улуғ зотлар тўғрисидаги маълумотлар тушди. Анжумандан сўнг икки зот устида иш бошлаймиз, — деди ўзини Сурхондарё вилояти Денов тумани 51-мактаб ўқитувчиси София Шомуродова дея таништирган бу аёл.

Бундан ташқари, Ўқувчилар сув ва ундан фойдаланиш, агроэкология ва агробизнес, экологиянинг инсон саломатлигига таъсири каби муаммоларни ҳам ўрганиб келишганлиги бизни қувонтирди. Қизғин тортишувларга сабаб бўладиган ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди.

Анжуман ниҳоясида ўқувчиларга Халқ таълими вазирлигининг ҳамда ҳамкорликдаги ташкилотларнинг Фахрий ёрлиқлари, ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

АЁҚШ ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

ёхуд лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини қўллашда йўл қўйилаётган хатолар ҳақида

Инсон комилликка интилиб яшайди. Бу фаолиятдир. Комилликнинг ўзига хос шартлари бор ва бу йўлда баъзан инсоннинг ақли ноқислик қилиб, хато қилиб қўйиши ҳам мумкин. Мақсад сари интилаётган одам бу эҳтимолдан чўчимаслиги лозим. Зеро, фаолиятсиз кишигина хато қилмайди.

Ҳаётда шундай хатолар бўладики, киши тақдирини ўзгартириб юборади. Ушбу сатрларни ёзарканман, бундан ўн беш - ўн олти йиллар олдин тил ва адабиёт ўқитувчимиз берган сабоқлар ёдга тушади. Эмишки, бир йигит армиядан севгилисига хат ёзибди: "Азизим, мен сени сўяман". "Суяман" дейиш ўрнига "сўяман" деган экан бояқиш. Буни ўқиган қиз шартта бошқасига турмушга чиқиб кетибди. Ўқитувчимиз ҳар гал ушбу мисолни келтирганида ўзи ҳам кулар, бундайроқларимиз овоз чиқариб кулишга журъат қилсак, энг жиддий ўқувчилар ҳам тишининг оқини кўрсатиб қўяр эди. Ушбу воқеанинг ҳаётда бўлмагани, ўйлаб топилганини англагандирмиз балки.

Кейинчалик битта хато инсон тақдирига ҳақиқатан ҳам таъсир қилишини ўз танамда ҳис қилганман. 1991 йили институтга кириш имтиҳонида ёзган иншомни "лупа билан текширган" домлалар иккита хато "топишган": бир жойда вергул қўйишни унутибман, яна бир жойда гап ўқитувчи аёл ҳақида кета туриб уни "муаллим" деб ёзибман, "муаллима" бўлиши керак экан. Ҳолбуки, ўзбек тилида род категорияси мавжуд эмас. Хуллас, ишимга "5" эмас, "4" қўйишганлиги туфайли талаба бўлишим бир йил ортга сурилган. Шундан бери қаерда бўлмасин имло хатоларига кўзим тушса, тузатиб қўйишга ҳаракат қиламан. Уларга эса янги имлога ўтилаётган шу кунларда ҳар қадамда дуч келиш мумкин.

Юқорида тилга олинган хатолар бир кишига таъсир ўтказиши мумкин. Аммо умуммиллий аҳамиятга боғлиқ нарсаларда йўл қўйилаётган хатолар-чи?

Хизмат тақозосига кўра юрганимизда кўпинча кабинет эшикларига исм-фамилиянинг "Yu.Yusupov" тарзида хато ёзилганига гувоҳ бўламиз. Барака топкур, исминг Юнус бўлса ўзингга, янги алифбо бўйича энди "Yunus Yusupov" бўлади, бинобарин кабинет эшигига "Y.Yusupov" деб ёзилиши керак, дейдиган мард топилмаган бўлади. Шунга ўхшаш кириллчадаги е, ё, ю, я ҳарфлари билан боғлиқ хатолар янги ёзувда чиққан айрим тақвимларда ҳам учраяптики, dushanba "d", "seshanba" "s" деб берилгани ҳолда "yakshanba" "ya" тарзида хато берилмоқда. Тошкентда, матбуот ва нашриёт-матбаа соҳасидаги аҳвол шундай экан, вилоятлардаги "Har qarich er(yer бўлиши керак)dan unumli foydalanaylik!" каби шиорларга қулмасак ҳам бўлар экан. Бу билан вилоятлардаги мутахассисларнинг заковатию салоҳиятига шубҳа билдирмоқчи эмасмиз. Фақат жиддий эътибор ва мардлик керак, холос. Бекорга бундай демаяпман. Хатони тан олиш ҳам мардлик. Гап шундаки, Андижонда "Футбол экспресс" номли яхшигина газета чоп этилади. Мухлислар ундан футболга оид жуда кўп ва қизиқарли ахборотларни олиши мумкин. Бироқ тахририят ходимлари мақолаларда кўплаб имло хатоларига йўл қўйишади. Ҳаммасидан қизиғи шундаки, 1996 йилдан бери чоп этилаётган газетанинг номи, мана, 6 йил бўлдики, янги ёзувда "Футбол express" тарзида хато ёзилади, "ekspress" бўлиши керак. Наҳотки, Андижондай вилоятда газета номини тўғрилайдиган саводхон топилмаган бўлса? Охири газета муҳаррири Шукурулло Исҳоқовга телефон қилиб, хатосини тушунтирдим. Бу бир-икки ой олдинги гап. "Яхши отга бир қамчи" деганларидек, газета номи ҳануз хато ёзилмоқда. Кези келганда айтиш жоизки, бу каби имло хатоларига Тошкент метросида, кўчалардаги рекламаларда, биноларнинг пешлавҳаларида ҳам кўплаб дуч келиш мумкин. Масалан, АЁҚШ (Автомобиль ёқилғиси қуйиш шахобчаси) қисқартмаси бирон-бир жойда тўғри ёзилганини учратмадим. Ҳамма жойда AYOQSH деб ёзилган. "Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" 74-бандида шундай дейилган: *"Таркибли номларнинг бош ҳарфидан иборат қисқартмалар, атоқли от бўлмаган баъзи бирикмаларнинг қисқартмалари бош ҳарф билан ёзилади: AQSH (Amerika Qo'shma Shtatlari), BMT(Birlashgan Millatlar Tashkiloti), AES (atom elektr stansiyasi) каби".* Шу нуқтаи назардан қарасак, AYOQSH эмас, AYQSH бўлиши лозим.

Ўтиш даврининг масъулиятини теран англашимиз шарт. Айниқса, болаларга мўлжаллаб чиқарилаётган янги алифбодаги китобларда йўл қўйилган хатолар мутлақо кечирилмасдир. Афсуски, эътиборсизлик оқибатида мактаб ўқувчилари учун чиқарилган китоб ва китобчаларда ҳам баъзи сўзлар хато ёзилмоқда.

"Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" тасдиқланганига ҳадемай 7 йил тўлади. Хуллас, ҳеч ким кўра кеч бўлса-да, мазкур хатолар тузатилиши керак ва шарт. Негаки бу маънавиятимизга дахлдор масала.

Ҳасан НИШОНОВ,
журналист

Икки бўри бири нафс, бири шайтон,
Егай банда иймонини қон чиқармай,

Хўрмиз ғазаллари билан айтилмиш "Чорғоҳ", "Ушшоқ", "Найларам", "Фиғон"лар, М.Бурҳоновнинг Навоий ғазалига ёзган "Табассум қилмади", Т.Содиқовнинг "Баҳор" романси, Ашрафийнинг "Жоним менинг", А.Муҳамедовнинг "Алла" каби ашулалари ажойиб овози хонанда ижросида жарда йўсин тарзда янграрди.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

(6-мақола)

Qonun va fuqaro

Мамлакатимизда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар билан боғлиқ муносабатлар дастлаб 1991 йил 14 июндаги Ўзбекистон Республикасининг Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунида мустаҳкамланган. Мазкур қонунга 1998 йил 1 майда ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрири тасдиқланди. Бугунги кунда ана шу сўнгги таҳрирдагиси амалда (шунингдек, дин билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Жиноят кодексида, Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги, Сиёсий партиялар тўғрисидаги, Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги, Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунлар билан ҳам тартибга солинадики, бу ҳақда тадрижий мақолаларимизда маълумот бериб борамиз). Қонун 23 моддадан иборат бўлиб, уни шартли равишда иккига бўлиб ўрганиш мумкин. Яъни, фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатлар ва диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар. ***Қонуннинг мақсади*** *— ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдир.*

Қонунга кўра, ***виждон эркинлиги*** *деганда, фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқи тушунилади. Бу соҳада мажбур этишга йўл қўйилмайди.*

Фуқаролар динга муносабатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Яъни, расмий ҳужжатларда фуқароларнинг динга муносабати кўрсатилмайди, динга муносабатига қараб бирон-бир чеклов ёки имтиёз белгиланмайди, диний ёки даҳрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳиссиётларини ҳақоратлашга, диний зиёратгоҳларни оёқ ости қилишга йўл қўйилмайди. Айни пайтда ҳеч ким диний эътиқодини рўкач қилиб, қонуний мажбуриятларини бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас.

Мамлакатимизда Конституцияга ва ушбу қонунга кўра, дин давлатдан ажратилган. Давлат турли диний эътиқоддагилар ва даҳрийлар, турли диний ташкилотлар, диний конфессиялар ўртасида муроса, тинчлик-тотувлик ва диний бағрикенгликни ёқлайди, бунга кўмаклашади. Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятни маблағ билан таъминламайди (қонуннинг 5-моддасидан). Давлат органлари билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш ва мазкур соҳадаги қонунлар ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита зиммасига юкланган.

Қонуннинг 7-моддасига кўра, мамлакатимизда таълим тизими ҳам диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар *— Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган қўнгилли бирлашмаларидир. Диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастир кабилар — диний ташкилотлардир. Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади.*

Диний ташкилотнинг устави Ўзбекистон Республикаси Адлия органларида давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс ҳисобланади ва фаолиятини амалга оширади (диний ўқув юртлари тегишли лицензия олганларидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади). ***Уставда*** *диний ташкилотнинг номи, тури, манзили, қайси динга мансублиги, мақсади, вазифалари ва фаолиятининг асосий турлари, фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш тартиби, тузилиши ва бошқарув органлари, маблағлари манбаи ва мулкий муносабатлар, уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби кабилар қайд этилади. Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотларнинг фаолияти, яширин диний фаолият, диний тусдаги сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатлари фаолияти, терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа зарарли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолияти ман этилади.*

Диний ташкилотлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ибодат қилиш ёки диний расм-русумлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни сақлаб туриш;

- ўз эҳтиёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида берилган бинолар ва молмулкдан фойдаланиш (дарвоқе, диний ташкилотларнинг мулкида уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар, жамоат бирлашмалари билан эҳсон қилган (васият қилиб қолдирган) ёхуд давлат томонидан берилган, шунингдек, чет элда жойлашган мол-мулклар, бинолар, иморатлар, ибодат анжомлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар бўлиши мумкин);

- тарихий ва маданий ёдгорлик объектлари ва буюмларидан қонунлар доирасида фойдаланиш;

- ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш, хайрия муассасалари (етимхона, касалхона)ни таъсис этиш;

-муқаддас жойларни зиёрат қилиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида қонунларга мувофиқ халқаро алоқалар ўрнатиш ва олиб бориш каби.

Айни вақтда диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Дейлик, диний ташкилотлар диндорлардан мажбурий пул иньомлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек, уларга нисбатан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас.

Миродил БАРАТОВ

СЎЗ ЎЙИНЛАРИ

(Мушоира тарихидан)

Қадим-қадим замонлардан халқимиз орасида кенг тарқалган халқ оғзаки ижодининг бир тури айтишувлар, лапарлар, топишмоқли шеърлар, гул ўйинлари ва сўз ўйинлари оғиздан-оғизга ўтиб келган. Худди шундай сўз ўйинларидан иккитаси 1876 йили "Туркистон вилоятининг газети" саҳифаларида ёритилган экан.

Газетада ёзилишича, бир қиз шарт қўядики, "ҳар киши менинг шеърий саволимга жавоби савоб берса, андоғ кишиға ўзимни мол олмай қабул қилиб аҳди издивожига бехилоф кираман". "Ул қизнинг саволи кўп вақтдан бери халойиқ орасида машҳур эди. Тошкентлик эшон Аҳмад Маҳзун ул саволга мутасадди бўлиб ёзмишлар.

Қизнинг саволи:

Икки бўри қўй еди қон чиқармай,
Яхши бедов битирур жон чиқармай,
Ўн қўлимда ўн узук, ол чиқармай,
Топган эрга тегарман мол чиқармай,
Жон айбин ёқса бўлмас ҳарна бирлан,
Ҳақиқат дўконидан шол чиқармай.
Дил туҳмидин жон жўжасин кўзин очмай,
Етса бўлмас ломаконга бол чиқармай,
Ғофилларни ҳавосидин ҳазар қилғил,
Орифларни дарёсидин сол чиқармай.
Гумроҳларни аёғиндин ичма оғу,
Эронларни шишасидин бол чиқармай,
Иншоаллоҳ, мақсадларинг ҳосил бўлур,
Тошканд келсанг иссиқ тандин жон чиқармай.
Бул сўзларни этди Аҳмад Қоратоший,
Кўп юрма сарсон бўлиб, мол чиқармай..."

* * *

Яна бир Самарқанддан келган хатда шундай ёзилган экан: Самарқанддан бир киши бизга ёзибдурки,

Бу сўзин билмаган одам билинг ул кўр, карлардур.
На ерда марди Ҳақ бўлса, мижозий кўзга илмаслар,
Агар бовар қилур бўлсанг вужуди ҳавзи кавсардур.
Ҳақиқий мард экан сойил ҳақиқатдан савол айтди,
Мижозийлар билолмаслар, гарчи шерри нарлардур.
Жавоб айғувчи Обидман, пирим шайх Аҳмад Шоший,
Дил ичра маънавий қизман, таним букир муҳаррардур.

* * *

Бу саволга Самарқанддан яна бир киши шундай жавоб ёзган экан:

Шаҳрисабздан келгандур бир қиз,
Ўзи мулло би (жуда) доно қиз.
Мактаб тутарди дойим низ,
Этканининг ёлғони йўқ.
Ўқутарди қирқ духтарча,
Ҳамроҳ эрди кундуз-кеча.
Сабақ берурди бир неча,
Ўз қизидур, туққани йўқ.

* * *

Эркак чибин ўтмаганин жавоби:

Саксон саралар, тўқсон тўралар.

Жаноб эшоннинг жавоблари:

Икки бўри бири нафс, бири шайтон,
Егай банда иймонини қон чиқармай,
Яхшиларни хизматида ҳосил бўлур,
Васил қилур ул тангриға жон чиқармай.
Олсанг қўлга ўнг узукни, қочар шайтон,
Иймон узугин ўнг қўлингга сол чиқармай,
Ҳақиқатдан савол этдинг, ваъдангга ет,
Мижозийдин умид этма ҳол чиқармай.
Топкан киши бул сара деб тегай анга,
Гарчи ёши саксон — тўқсон, мол чиқармай.
Ҳақи толий насиб этгай сенга Раҳмат
Дарёсидин тўйганингча ол чиқармай,
ушбу яқин кунларда бир мозорга зиёрат учун борган эдим, деворга бир неча байт ёзилган экан. Кўп фикрладим, лекин ақлим етмаганидан сўнг газетага ёзиб юбордим. Шояд кўрган кишилар бўлса, илтифот қилиб жавоб ёзиб кўрсатгай.

Савол:

Шаҳрисабздан келибдур бир қиз,
Қирқ қиз туғибдур, ҳануз ҳам қиз,
Устидан эркак чибин ўткани йўқ,
Ёрсиз бир кеча ҳам ётгани йўқ.

Саволга тошкентлик Обид маҳзум шундай жавоб ёзибдур:

Ҳақиқат шаҳрига кирдим, ажаб сабзи мунаввардур.
Кўрдум бу сўзум кимга бовардур.
Дилимни мардига бердум солиб бор омонатни.
Деди қирқ эр тўғрисидин болам бу чиҳил танлардур.
Кўнгулни ғайридин уздум, чибин ҳам менга ёр эмас,
Мени ёрим ҳамиша тун-кун Оллоҳ Акбардур.
Киши хотун сифат бўлмай ҳақиқат нисбатин олмас,
Ўқурди дойим ул Қуръон,
Дилида ояти Мавлон,
Эрур ул ошиқи Раҳмон,
Номаҳрамни кўргани йўқ.

* * *

Ёрсиз ётганини маъноси:

Кундуз қизлари таълим берур,
Кечаларда "Оллоҳ" деюр
Оллоҳ билан муҳаббат қурур,
Ёрсиз ёлғиз ётгани йўқ.
Ал суҳбати маъма Оллоҳ,
Зикри анинг ҳу Оллоҳ,
Ёри анинг Иллоллоҳ,
Ғайри анинг ҳеч ёри йўқ.
Бир ривоят ушбудир низ,
Ул сабабдин ёлғони йўқ.
Муни айтди мирзо Умид,
Мирзо Умидгадур фарзанд,
Фан аҳлина бўлгай писанд,
Доноларга пинҳони йўқ.

Тўпловчи Р.ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлимининг бошлиғи,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

2002 — Qariyalarni qadrlash yili

ШИРИН БЎЛИБ, ЛАЙЛИ БЎЛИБ...

Салима Хўжаева... Атоқли саҳна устаси, мусиқий драма ва ўзбек операсининг таниқли намояндаси, моҳир педагог, фидойи санъаткор... Биз уни ўткир ижрочилик маҳорати, саҳнада яратган жозибали сиймолари, мумтоз қўшиқлари, Ватанга муҳаббат туйғулари билан йўғрилган ашулалари орқали биламиз. Унинг ҳам ўзбек, ҳам овруполик композиторларнинг операларида маҳорат билан ижро этган роллари ҳамон кўз олдимизда. Бу санъаткор миллий тилимиздаги операларда қанчалик таъсирчан куйласа, рус, италян тилидаги операларда ҳам шунчалик нафосат билан хониш этарди... Баланд бўйли, қомати келишган, чеҳраси нурли, ширинсухан санъаткорнинг катта концертларда халқ қўшиқлари, классик романсларни маҳорат билан ижро қилганига шоҳид бўлганмиз.

Салима Хўжаева билан кўп ижодий учрашувлар ўтказганимиз, санъат ва санъаткорлар ҳақидаги самимий суҳбатларимиз худди куни-кечагидек хотирамизда. Айниқса, машҳур устод санъаткор Уста Олимнинг хонадонида, унинг умр йўлдоши, таниқли раққоса-санъаткор Бегимхон Комилова (қалдирғоч раққоса, фожеали ҳалок бўлган Нурхоннинг опаси) иштирокида ниҳоятда қизиқарли ва эсда қоларли суҳбатлар бўлган. Бу ерда Лондондан Уста Олим келтирган грампластинкалар айланиб, 30-йиллардаги мусиқий драма ва комедиялардаги ария, дуэтлар, хорлар тингланарди... Эҳ-ҳа, бу тарихий хонадонда не-не ажойиб зотлар, қайтарилмас санъат соҳиблари — Муҳиддин Қориёқубов, Лутфихоним, Тамарахоним, Боборахим Мирзаев, Карим Зокиров, Мукаррамахоним, Назира Аҳмедова, Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабийлар бўлишарди. Ана ўша табаррук хонадонда бўлиб ўтган завқли-шавқли учрашувларни ҳалиҳали дил қўмсайди...

Ушбу хонадондаги йиғинлардан бирида Лутфихоним Саримсоқова ўттизинчи йилларда, Тошкентдаги "Колизей" театри саҳнасида ажойиб истеъдод соҳиби, гўзал овозли Саъдулла Норхонов катта довруғ таратгани ҳақида сўзладилар.

Салима Хўжаева 1937 йилда 32 ёшида қатағонга учраган Саъдулла Норхонов ҳақида ҳам анча-мунча нарсани биларканлар; суҳбатимиз чоғида у киши С.Норхоновнинг қўнғироқдек жарангдор овози, томошабинларнинг унга меҳри ва унинг саҳнада яратган ўта жозибали, санъат мухлисларининг олқишларига сазовор бўлган Фарҳод, Мажнунлар каби саҳна образларини яратгани ҳақида ҳам самимий хотирлади.

Кўплар унутиб юборган, ҳозирги авлод мутлақ билмайдиган С.Норхонов тақдири ҳақидаги Салима Хўжаеванинг рўйирост ҳикоялари ушбу қатағонга учраб кетган ноёб иқтидор ҳаёти ва ижодиёти тўғрисида "Қатағон этилган Фарҳод" номли публицистик асар, радио орқали қизиқарли эшиттиришлар яратилишига асос, омил бўлганди...

Опера саҳнамизнинг булбул овозли хонандаси, Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова ҳаёти ва ижоди ҳақидаги "Мусиқий саҳнамиз булбули" фильми сценарийси устида иш олиб бораётганимизда ҳам Салима Хўжаеванинг хотираларидан баҳраманд бўлдик.

"Менинг ҳаётим, саҳна санъатига кириб келишимнинг ўзи осон кечмаган, — деб ҳикоя қиладилар Салима ая, — Тошкентнинг "Лангар"ида таваллуд топганман; отам Шоюсуф моҳир иморатсоз-уста эдилар, у киши қурган муҳташам биноларнинг ўзи бир санъат эди. У киши дуторни ҳам яхши чертардилар. Онам Тошхон ҳам санъатни яхши кўрардилар, зиёкор Шарифхўжа домла оиласидан бўлардилар.

Тошкентнинг Шайхонтоҳур маскани шаҳарнинг "киндиги" эди, у ерда сайиллар, томошалар ҳам бўлиб турарди, Тўйчи Ҳофиз, Шораҳим, Шожалил ва Шобарот танбурчилар, мусиқий базмлар, қўшиқ кечаларини ташкил этардилар, Фарғонанинг Бешариғидан бу ерга ҳар йили Наврўзда Ҳамроқул қоридек машҳур халқ ҳофизлари ҳам ташриф буюришарди. Биз бу томошаларни том устига чиқиб олиб кўрардик. Ўзим ҳам болаликдан шўх қиз бўлиб ўсганман, дутор чалардим, ашулалар айтардим — "Омон ёр"ларни завқ билан куйлаб, ўйинларга тушардик... Меҳриниса, Иқболниса дугоналарим билан "Хола-хола", "Келин-куёв", қўғирчоқ ўйинлари ўйнардик...

Бироқ болаликнинг завқшавқини мазза қилиб сураётган чоғимда севинч ришталари тўсатдан узилди — менї 13 ёшимдан эрга бериб юборишди; кўкатчи Нодирхон уйига тушгандим. Борганимдан кетгунга қадар қон-қон йиғладим; ундан кўрган қизим бир ярим ёшга борар-бормас, қизамиқдан ўлиб қолди. Бу хонадонда дутор чалиш, ашула айтишларга йўл қўйилмасди, орзуларимга ўт тушди... Жуда ўқигим келарди —пахтачилик техникумига кириб ўқидим, сўнгра САГУ тўгарагида ашулалар айтдим, дутор чалдим, Бешёғочдаги мусиқа билим юртидаги устозлар мени саҳнада кўриб қолиб, ушбу санъат ўқув юртига ўқишга таклиф этдилар, менинг орзу-ниятларим рўёбга чиқа бошлади".

1920 йилларда "қулоқ қилиш" авжга чиққан вақтларда петроградлик Анна Павловалар оиласи ҳам Туркистон ўлкасига сургун қилинади. Аннахоним ўткир иқтидор соҳиби бўлганлиги боис, уни Тошкентдаги театрда хизмат қилишга, Бешёғочдаги мусиқа билим юртида дарс беришга чорладилар. Анна Павлова бу ердаги концерт чоғида Салима Хўжаева овозини эшитиб қолади ва унга: жозибали овозинг бор, албатта, хонанда бўлишинг керак, дейди.

"Аннахоним билан учрашув менинг ҳаётимда жиддий бурилиш ясади, мен мусиқали театрда хизмат қилишни, опера санъаткори бўлиш ниятини дилимга тугиб олдим; кўп ўтмай мусиқа билим юртимиз Тошкентнинг "Жаркўча"сидаги бинога кўчиб ўтди ва дарс ўтаётган чоғимда Москвадан ташриф буюрган санъат мутахассислари овозимни тинглаб, мени "лирик-драматик сопрано" йўсинида тарбиялашларини айтдилар; профессор Н.Н.Райский мени Москва консерваторияси опера студиясида ўқишга тавсия этганида, суюниб кетганимдан, йиғлаб юборганим ҳали-ҳали ёдимдан чиқмайди", — дейди Салима Хўжаева.

Москвадаги опера студиясида ўқиганида Салима Хўжаевага машҳур хонанда ва педагог Н.И.Сперанский устозлик қилди. Сперанскийнинг номи Оврупода ҳам маълум эди, у Фёдор Шаляпиндек буюк хонанда билан саҳнада опера партияларини ижро этганди. "Мен Сперанский ёрдамида "Шоҳ Султон ҳақида эртак", "Иван Сусанин", Ғарб композиторлари асарларидаги арияларни тайёрладим, миллий мусиқий асарлардан "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин", "Бўрон" лардаги ролларни аста-секин тайёрлай бошладим; булар миллий опера театримизнинг "қалдирғоч" спектаклларидан бўлиши керак эди", дейди Салимахоним.

С.Хўжаева Москвада ўқиб юрган йиллар анча оғир, ташвишли йиллар эди. 1937 йили 32 ёшида ҳибсга олинган санъаткор, Фарҳод ва Мажнун образларини яратган моҳир ижрочи Саъдулла Норхоновнинг тақдири аянчли хотима топди. "Мана шу вақтларда шоир, драматург Чўлпонни ҳам ҳибсга олиб, қатағон этдилар. 1941 йилга келгач эса, иккинчи жаҳон уруши аланга олиб кетди; ажойиб артистларимиздан Қобил қори Сиддиқов ("Лайли ва Мажнун" операсида биринчи бор Қайс — Мажнунни ўйнаган) жанг майдонида ҳалок бўлди; "Тоҳир ва Зуҳра" фильмида Хоразм шоҳи қизининг ролини маромига етказиб ижро этган Зебо Ғаниева жанг майдонида ёв билан олишиб, моҳир снайпер сифатида довруғ таратди. Уруш бизларнинг ўқишимизга ҳам зарба берди — Ўзбекистонга қайтишга тўғри келди", деб эслайди Салимахон ая. У 1941 йили Тошкентга қайтгач, Ўзбек миллий опера театрига солист қилиб олинди, саҳнада "Лайли ва Мажнун"даги Софя, "Бўрон" даги Оналарни муваффақиятли ижро этди.

Салима Хўжаева Ўзбек опера театри саҳнасидаги спектаклларда яратган сиймолари мухлислар томонидан қизғин кутиб олинарди. У Е.Брусиловскийнинг "Ер-Тарғини"даги Тана ролини таъсирчан қилиб яратганди. Моҳир санъаткор Кармен, Боборахим Мирзаев ва Карим Зокиров Хозе партияларини жуда ҳам эҳтиросли, таъсирчан этиб ижро қилгандилар.

"Кармен" спектаклини бир неча бор кўришга ва завқ олишга муваффақ бўлгандик. Салимахоним таниқли артист Мордухай Довидов билан саҳнага чиққанида (М.Довидов - Хозе ролида) атрофга нафосат тараларди, бу икки санъаткор жозибадор, ўткир маҳорати билан эътиборни тортарди...

Салимахоним П.Чайковскийнинг "Пиковая дама"сидаги Лизанинг сувга ташлаб, ҳалок бўлиш саҳнаси ижросида улкан санъатини намойиш этганди. "Мен саҳнада партнёр бўлиб биргаликда роллар ижро этган ёқимли, ширали овозли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ғулом Абдураҳмонов номини ҳам эҳтиром билан тилга оламан, у билан биз "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Тоҳир ва Зуҳра" операларида етакчи ролларни ижро этдик. Саҳнадаги партнёрларим — М.Қориёқубов, Ҳалимахоним, Лутфихоним, Назирахоним, Мукаррамахонимлару Боборахим Мирзаев, Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Мордухай Довидов, Михаил Довидов, Асад Азимов каби санъаткорлар номини ҳам ёдга олиб тураман", дейди Салима Хўжаева.

Бутун ижодий ҳаёти, саҳна фаолияти мобайнида Салима Хўжаева концертларда иштирок этишни, қўшиқлар айтишни сира канда қилмади; унинг бу борадаги ижро мундарижаси ҳам сержило ва бой эди. Хуршид ғазаллари билан айтиладиган "Чорғоҳ", "Ушшоқ", "Найларам", "Фиғон"лар, М.Бурҳоновнинг Навоий ғазалига ёзган "Табассум қилмади", Т.Содиқовнинг "Баҳор" романси, Ашрафийнинг "Жоним менинг", А.Муҳамедовнинг "Алла" каби ашулалари ажойиб овозли хонанда ижросида жуда гўзал тарзда янграрди. 1942-45 йиллари хонанда Тошкент Давлат консерваториясини битирди, сўнгра шу масканда талабаларга хонандалик санъати бўйича дарс берди. Устод тарбиятидан баҳра олганлар қаторида — Ўзбекистон халқ артисти Наима Пўлатова, республикада хизмат кўрсатган артистлардан Одина Ғозиева, Гулгина Зокирова, Бахтиёр Расулов, Искандар Мирсоатов сингари таниқли санъаткорлар бор. Халқимиз, республика ҳукумати Салима Хўжаеванинг маданиятимиз, саҳна ва мусиқа ижрочилик санъатининг равнақига қўшган катта хизматларини юксак баҳолади, унга "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвони берилди; ҳозир у 85 ёшда, ортда қолган мураккаб, ижодий изланишлару машаққатларга, севинчларга тўла ўзига хос ижод йўли ҳақида сарҳисоб юритиб, завқланаркан, мана бундай самимий сўзларни айтади:

— Гўё куни кеча "Ялангоч"даги боғимизда дугоналарим билан "қўғирчоқ" ўйинини ўйнаб, "томошачалар" кўрсатиб юргандик... Қарабсизки, 85 баҳорни ҳам кўриб қўйибмиз... Бу тоштдан қаттиқ бош қурмагур нималарни кўрмади? Эрим ҳам, биттаю битта фарзандим ҳам эрта ўлиб кетишди, умрим ёлғизликда ўтди. Бироқ ёлғиз эмасдим, санъат, театр, саҳнада яратган образларим ҳамиша йўлдошим бўлиб келди; устозу сафдошларим ҳам ўтиб кетишди. Қариганингда ёлғиз қолмагин экан. Менинг ҳеч армоним йўқ; яхшиямки, укам Файзуллохон, келиним Мунирахонлар бор, улар мени ўз бағриларига олдилар, дастурхонимиз ҳам қут-баракотли...

Яқинда Назирахоним Аҳмедова ҳақида ҳужжатли фильм суратга олинаётганини эшитиб дил-дилдан қувондим, кўзларим нам бўлди. Ахир, бундай ҳимматларга Боборахим Мирзаев, Карим Зокиров, Ғулом Абдураҳмоновлардек машҳур, беназир санъаткорлар ҳам арзийди. Президентимиз барака топсинлар, 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиб, жуда эзгу ва хайрли иш қилдилар. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз-барака бор.

Бахриддин НАСРИДДИНОВ,
театршунос олим,
Халқ таълими аълочиси

Орол денгизини қутқариш масаласи бугунги кунда умуминсоний муаммога айланган. Мазкур муаммонинг ҳозирги ҳолати барчани ташвишлантирмоқда.

Ўқувчи ўз уйида ўтириб жаҳоннинг энг катта кутубхонасидан бемалол фойдаланиши, истаган китобини олиб ўқиши оддий ҳақиқатга айланди.

ФИКРИНГИЗГА МУШТОҚМИЗ

Орол денгизини қутқариш халқаро фонди
GEF агентлиги
В Компоненти
Ўзбекистон миллий ишчи группи

Ҳурматли муштарийлар!

Сизга маълумки, Орол денгизини қутқариш масаласи бугунги кунда умуминсоний муаммога айланган. Мазкур муаммонинг ҳозирги ҳолати барчани ташвишлантирмоқда. Ана шу мавзуга бағишланган мақолалар мунтазам равишда чоп этиб келинмоқда. Сиз газетамиз саҳифаларида ўзингиз ўқиган мақола хусусидаги фикрингизни қуйидаги сўровнома орқали билдириб, таҳририятга юборишингизни сўраймиз.

1. Сиз Глобал Экологик Фонд (GEF) хусусида маълумотларга эгамисиз?
А) Ҳа.
Б) Йўқ.

2. Сиз Орол денгизини қутқариш Халқаро Фонди фаолияти тўғрисида қай даражада хабардорсиз?
А) Яхши хабардорман.
Б) Эшитганман.
В) Хабардор эмасман.

3. Орол денгизи муаммоларига бағишланган ва Сизда қизиқиш уйғотган мақоланинг номини ёзсангиз (рўзнома чиққан ой, кун)._____

4. Мақоланинг муҳимлиги ва таъсирчанлиги қандай? (тагига чизинг).
А) юқори.
Б) ўрта.
В) зерикарли.

5. Ўзингизга ёққан мақолани бошқаларга ҳам ўқиш учун тавсия этдингизми?
А) Ҳа.
Б) Йўқ.

6. Газетамизда чоп этилаётган Орол муаммосига бағишланган мақола ва чиқишлар сонини етарли деб ҳисоблайсизми?
А) етарли деб ҳисоблайман.
Б) етарли эмас деб ҳисоблайман.

7. Сиз мазкур муаммо юзасидан яна қандай мақола ва чиқишларга ўрин беришимизни хоҳлайсиз?

_____

_____

Холис жавобларингиз учун аввалдан миннатдормиз!

ТАРАҚҚИЁТ БЕРГАН ИНЪОМ

XXI асрнинг ахборот асри бўлиши аллақачон айтилган ва у ростдан ҳам ўз исботини топмоқда. Аср дебочасиданоқ инсоният ахборотлар бўрони ичида яшамоқда. Ҳозирда одамлар яшашни осонлаштириш учун тараққиётнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланмоқда.

Ана шундай имконият намунаси, XXI асрнинг ахборот асри бўлишини таъминлаб берувчи асосий воситалардан бири интернетдир.

XX асрнинг 70-80-йилларида АҚШ да бошланган Илмий-техника инқилоби инсониятни цивилизациянинг янги босқичи остонасига келтириб қўйди. Компьютерларнинг такомиллашиб бориши натижасида уларнинг ўзаро маълумот алмашиш учун бир-бири билан боғланиш тизимининг кашф этилиши интернетнинг туғилишига замин яратди. Дастлаб, узоқ масофадан туриб компьютер орқали бир зумда боғланишни таъминлаб берувчи электрон почта (e-mail) юзага келди. Интернетнинг негизи бўлган e-mail ушбу тизимдан фойдаланувчини электрон кибер фазосига олиб чиқади ҳамда бу нарса исталган жойга боғланиш ва ахборот олиш имкониятини беради.

Дастлабки электрон алоқа воситалари яратилди ва синаб кўрилди. 60-йиллар охири ва 70-йиллар бошида АҚШ ҳарбий маъмурияти жойлашган Пентагонда ўзаро компьютерларнинг ахборот алмашиш тизими йўлга қўйилди. Бу кашфиёт совуқ уруш даврида ҳарбий мақсадларда қўлланилди ва узоқ вақт оммадан сир сақланди. Пентагон сунъий йўлдош ҳамда оптик толалар орқали узоқ жойлардан келувчи ахборот оқимини бошқариш учун электрон тармоқ ишини яратди. Бу ноёб кашфиёт фанга интернет номи билан кирди. Кейинроқ бу кашфиёт мамлакат олимлари ва математиклари билан баҳам кўрилиб, 70-йиллар ўрталаридан улар ҳам интернетдан фойдалана бошладилар.

Совуқ урушнинг тугаши Интернет устидаги ҳарбийлар ва олимлар монополиясининг барҳам топишига ҳам олиб келди. Дастлаб бу технологиянинг аҳамиятини Франция англаб етди ҳамда уни 1980 йил ўз ҳудудига олиб кирди.

Шу тариқа интернет жаҳонни забт эта бошлади. Энг муҳими, эндиликда у ижобий манфаатлар йўлида хизмат қила бошлади. Университетлар, тадқиқот институтлари каби билим масканлари ўртасидаги ҳар қандай алоқалар ва муносабатларнинг бир лаҳзада рўёбга чиқиш имконияти яратилди. Шунингдек, ҳар бир инсоннинг интернетдан фойдаланиши, ўзига керакли ахборотни олиши ёки ўзи ҳам сайт очиш мумкин бўлиб қолди. Ўқувчи ўз уйида ўтириб жаҳоннинг энг катта кутубхонасидан бемалол фойдаланиши, истаган китобини олиб ўқиши оддий ҳақиқатга айланди. Интернет берган бундай имкониятлар ахборот оқими шиддатини ўта тезлаштириб юборди ва қисқа вақтда у бутун ер юзини ўргимчак тўридек ўраб олди. Интернет сўзининг ўзаги бўлган "net" ҳам асли "тўр" маъносини билдиради.

Унинг яна бир ўзига хослиги шундаки, интернетда ҳақиқий демократиянинг ифодасини кўриш мумкин. Унга истаган одам истаган ахборотини жойлаштириши ва тарқатиши мумкин. Унинг олдини тўсувчи,бошқа йўлга мажбурловчи ҳеч қандай цензор ёки ҳукмрон йўқ.

Тараққиёт тезлигининг нақадар шитоб билан бораётганлигини ўзида мужассам этувчи воқеликдан бири бўлган интернет Ўзбекистонга ҳам аллақачон кириб келган. Шаҳарларимизда интернет тармоғига уланган муассасалар, ташкилотлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Мазкур восита билан ишлаш масканлари кўпайиши билан бирга ундан фойдаланувчилар сони ҳам ошиб бормоқда. Ва бу нарса, албатта, Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси билан биргаликда ривожланиб бораётганлигини кўрсатиб берувчи белгилардан биридир.

Беҳзод МАМАДИЕВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

ТЕСТ ҲАҚИДА ФИКРЛАШУВ

Anjuman

Ҳар йили Республикамизнинг турли олий ўқув юртларига қанчадан-қанча абитуриентлар ҳужжат топширадилар. Қувонарлиси, талабалик бахтига орзумандлар салмоғи йилдан йилга ортиб бормоқда. Жамики олий ўқув юртларининг кундузги ва сиртқи бўлимларига бир йилда 49 минг ўрин ажратилса-да, биргина 2000 йилда ҳужжат топширганлар сони 211 минг нафарни ташкил этди. Ўтган 2001 йилда эса бу кўрсаткич 268 мингга кўпайди. Шу нуқтаи назардан қабул жараёнида уларнинг билимларини холис ва ҳалол баҳолаш мезони ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Шу боис таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг дебочаси ўлароқ, 1992 йил 9 апрелда Республикада тест тизимини жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Мазкур қарорнинг амалдаги ижросига ҳам мана 10 йил тўлди. Шу муносабат билан Тошкент Давлат электротехника ва алоқа институтида "Тест тизимининг кадрлар тайёрлашда юқори сифатни таъминлаш ва унинг мониторингини шакллантиришдаги ўрни ва муаммолари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган анжуманда иштирокчилар Педагогик тестларни яратишнинг назарий концептуал муаммолари (табиий ва гуманитар фанлар юзасидан), тест тизимида информацион ва компьютер технологиялари, таълим тизими мониторинги ва олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда тестлардан фойдаланиш муаммолари хусусида фикрлашдилар. Шунингдек, бу тизимнинг ўрта махсус, касб-ҳунар ва умумий ўрта таълимда юқори сифатни таъминлашдаги ўрни ва муаммолари ҳамда уни ўтказишнинг ташкилий, услубий жиҳатдан таъминланиши каби умумий масалаларни қамраб олувчи 5 та секция анжуманда иш олиб борди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплекси масъул ходими А.Ворисов кириш сўзи билан очди ҳамда таълим соҳасида тест тизимининг аҳамияти хусусида гапирди. Шундан сўнг Давлат тест маркази директори М.Муҳитдинов сўзга чиқиб, тест тизимининг кадрлар тайёрлашда юқори сифатни таъминлаш ва унинг мониторингини шакллантиришдаги ўрни ва муаммолари ҳамда истиқболлари ҳақида маъруза қилди.

— Марказимиз Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида мавқеи жиҳатдан биринчи ўринда туради, десак муболаға бўлмайди. Чунки давлатимиз биринчи бўлиб кўп вариантли тест тизимини таълим жараёнига олиб кирди ва бу тизим бошқа бир қатор мамлакатларда мавжуд бўлган бир, икки ва уч вариантли тизимга нисбатан ўзининг юқори самараларини бермоқда. Мана, ўтган йилдан эътиборан Россия, Қозоғистон ҳам бу тизимни таълим соҳасига киритди. Гарчи Қирғизистонда ҳам кўп вариантли тест тизими бир неча йилдан бери амалда бўлса ҳам, мамлакат бўйлаб кенг ёйилмаган,— деди Давлат тест маркази директори ўринбосари А.Эшматов.

Шунингдек, анжуманда Республикамиздаги барча таълим муассасаларида тест тизимининг ўрни ва аҳамияти, жумладан, олий ўқув юртлари талабалари билимини аниқлашда, ўзлаштириш мониторингини жорий этишда, малака ошириш жараёнида, мустақил фикрлаш ва тафаккурни ривожлантиришда, миллий кадрларни тайёрлашда тест синовларининг аҳамияти ва самарадорлиги ҳамда бошқа бир қанча масалалар хусусида йиғилганлар фикр алмашиб, мулоҳаза ва таклифларини ўртага ташладилар.

Йиғилиш сўнгида секциялар раҳбарлари сўзга чиқишиб, анжуман якуни ҳақида ахборотлар беришди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаррух БЎТАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

ЯХШИ АНЪАНА

Diydor

Фарғоналиклар ажойиб бир анъанани бошлаб бердилар. Вилоятнинг ҳар бир туман, шаҳар ҳокимликлари Тошкент шаҳрида ўқиётган ўзларининг фарзандлари — талабаларни йиғиб, улар билан дийдорлашиб туришга одатланишди.

Куни кеча Тошкент Давлат Шарқшунослик институти биносида марғилонлик пойтахт олий ўқув юртларида ўқиётган талабалар ва Марғилон шаҳридан Олий Мажлисга сайланган депутатлар ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда республика олий ўқув юртлари ректорлари кенгаши раиси, ТошДШИ ректори, академик Неъматилла Иброҳимов ва Марғилон шаҳар ҳокими Аъзамхон Акрамовлар нутқ сўзлаб, талабаларнинг ҳар қандай муаммоларини ечишга қўлларидан келганча, кўмак беришларини айтишди.

Тадбирдан талабалар ҳам миннатдор. Учрашув сўнгида талабаларга ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди ҳамда улар тўкин дастурхонга таклиф этилди.

Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

БИАТЛОН МУСОБАҚАСИ

Самарқанд шаҳар Сиёб туманидаги Чўпон ота массивида ёзги биатлон бўйича Ўзбекистон биринчилигининг Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари терма жамоалари иштирокида минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Қизлар ўртасида 3 км ва 4 км масофага ўтказилган мусобақада Самарқанд шаҳридаги 37-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Зарема Мамедова, ўсмирлар ўртасида 4 километрлик беллашувда Самарқанд шаҳридаги 51-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Равшан Ҳасановлар биринчи ўринни эгаллади.

Аёллар ўртасида эса 4—4,5 километр масофагача бўлган мусобақада Самарқанд кооператив олийгоҳининг молия факультети 2-курс талабаси Эвилина Мамедова, эркаклар ўртасида 6—8 км масофалик мусобақада Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш олийгоҳининг иқтисодиёт факультети 4-курс талабаси Ленур Мамедовлар ғолиб бўлдилар.

Шунингдек, ёшлар ўртасида 3 х 2 км масофалик эстафетада Самарқанд терма жамоаси биринчиликни қўлга киритди. Катта ёшлилар эстафетасида ҳам мезбонлар устун келдилар.

Энди Самарқанд вилоятининг терма жамоаси Наманган вилоятининг Косонсой шаҳрида бўладиган республика финал босқичи мусобақасида иштирок этади.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

ҒОЛИБ ЖАМОАЛАР

Газетамизнинг ўтган сонида хабар берганимиздек, бошқа вилоятлардаги сингари Самарқандда ҳам "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари ҳам вилоят босқичининг ғолиблари маълум бўлди. Миллионлар ўйини, дея ном олган футбол бўйича Каттақўрғон шаҳридаги "Дўстлик" уйингоҳида кечган баҳсларда Пастдарғом, Жомбой, Тайлоқ туманлари ҳамда мезбонлар жамоалари биринчилик учун кураш олиб бордилар. Ниҳоят, пастдарғомликларни енгган каттақўрғонликлар финалда жомбойликлар билан рўбарў келдилар. Муросасиз кечган уйинларда Каттақўрғон шаҳри жамоаси Жомбой тумани вакиллари устидан 6:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Шахмат баҳсларида Сиёб тумани ақл гимнастикачилари вилоят ғолиблигини қўлга киритган бўлсалар, баскетбол (ўсмирлар), стол тенниси, теннис, қўл тўпи (ўсмирлар) бўйича боғишамолликлар, миллий кураш, волейбол (ўсмирлар), қўл тўпи (қизлар), волейбол (қизлар) бўйича Темирйўл тумани жамоаси биринчи поғонани банд этдилар. Айниқса, Самарқанд шаҳридаги "Локомотив" уйингоҳида ўтказилган енгил атлетика мусобақаларида ҳам Темирйўл туманилик спортчи ўқувчилар 71 очко жамғаришиб бошқалардан устун эканликларини намойиш қилдилар. Дарвоқе, ғолибларни рағбатлантириш мақсадида касаба уюшмалари вилоят кенгаши, фан ва таълим ходимлари касаба уюшма қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда бир қанча ташкилотлар ўзларининг қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширдилар.

Н.ШЕРБОЕВА

ҚЎШИНЛАР ОЛИБ ЧИҚИЛМОҚДА

АҚШ ҳукуматининг Исроил бош вазири Ариэл Шаронга қўйган талабларидан сўнг, кеча Исроил қўшинлари Калькилия ва Тулькарм шаҳарларидан олиб чиқила бошланди. Расмий манбаларга кўра, исроилликлар мазкур ҳудудлардаги Фаластин жангарилари ва қурол-яроғларни тугатиш операцияларини ниҳоясига етказганлар. Бундан аввалроқ АҚШ президенти Жорж Буш Ариэл Шарондан Мухторият шаҳарларидан дарҳол ўз қўшинларини олиб чиқишни талаб қилиши билан барча араб давлатларини терроризмга қарши чора-тадбирлар кўришга чақирган эди.



Фавқулодда йиғилиш ўтказган Ариэл Шарон эса Вифлеем шаҳридаги Рождество черковига яширинган жангариларни ҳибсга олиш кераклигини айтди. Ҳозирда Наблус ҳамда Женин шаҳарларида жиддий тўқнашувлар бўлмоқда.

НЕФТ ЭКСПОРТИ ТЎХТАТИЛАДИ

Ироқ президенти Саддам Ҳусайн ўз нефтининг Ғарб давлатларига экспорт қилиниши 30 кунга тўхтатилишини айтди. Бундан мақсад, деди президент, Исроилнинг Фаластин ҳудудларидаги ҳарбий ҳаракатларига чек қўйишдир. Ариэл Шарон ўз қўшинларини Мухторият ҳудудларидан олиб чиқиб кетиши керак. Агарда, қўшинлар олиб кетилмаса, нефт экспортининг тўхтатилиш муддати чўзиларади, дейилади "Асошиэйтед-Пресс" агентлиги тарқатган хабарда.



РОССИЯ-ГЕРМАНИЯ САММИТИ

Россия президенти Владимир Путин Германияга ташрифи чоғида икки давлат ўртасида ташкил этилган саммитда иштирок этди. Ушбу сафари Владимир Путиннинг сўнгги 2 йил ичидаги ўнинчи ташрифи бўлиб, мақсад Германиянинг доимий ҳамкори бўлиб қолишдир. Шунингдек, унинг канцлер Герхард Шрёдер билан учрашуви чоғида асосий эътибор икки давлатнинг ўзаро муносабатлари, Яқин Шарқ можароси ҳамда терроризм масалаларига қаратилди, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси.

Бугун ниҳоясига етадиган сафарида Россия президенти Гёте уй музейига ташриф буюради. Эслатиб ўтамиз, Владимир Путиннинг аввалги ташрифи ўтган йилнинг сентябрь ойида бўлган ва у Бундестагда немис тилида нутқ сўзлаган эди.

ТЕРРОРЧИ УШЛАНГАНИЧА ЙЎҚ

"Ал-Қоида" террорчи ташкилотининг раҳбари Усама бин Лоден Файсалободда Покистон ҳамда АҚШ махсус хизматларининг олиб борган операциясидан бир неча соат олдин қочишга муваффақ бўлган, дея хабар беради "ИТАР-ТАСС" агентлиги. Икки давлат хизматчиларининг 28 март кунги операцияларида эса бин Лоденнинг яқин одами Абу Зубайда ҳибсга олинган эди. Аммо вазиятга муносабат билдирган Покистон президенти Парвез Мушарраф бин Лоден ўлган ёки тирик бўлган тақдирда ҳам Афғонистонда яшириниб юрган бўлиши керак, деди.

РЕСПУБЛИКА МУСОБАҚАСИ

"Қарияларни қадрлаш йили" муносабати билан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Марказий қўмита кўчма кубоги учун Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ўртасида мини футбол бўйича 1-Республика мусобақасини ўтказмоқда.

Мусобақалар Ўзбекистон Миллий Университетининг спорт залида тантанали равишда очилди. Очилиш маросимида иштирок этган Марказий қўмита раиси Зоир Қодиров, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Қосимов, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши маданий-маърифий ишлари бўлим мудири А.Султонов ва бошқалар ушбу мусобақаларни ўтказишдан мақсад олий таълим муассасаларида меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг саломатликларини тиклаш, уларни спортга жалб қилиш эканлигини айтиб ўтдилар.

Ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари иштирок этмоқда.

Тўрт гуруҳга бўлиниб мусобақалашаётган жамоаларнинг еттитаси Ўзбекистон Миллий Университети спорт залида ўйинларини ўтказаётган бўлсалар, қолган етти жамоа эса Тошкент Давлат Авиация институти спорт залида ўйнамоқда.

Республика тоифасидаги ҳакам Э.Каграмонов мусобақаларга бош ҳакамлик қилмоқда.

Мадина ШУКУРОВА

Республика "Оила" илмий-амалий Маркази 2002 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантуранинг кундузги бўлимига ҳужжатлар қабул қилади:

13:00:01 — Педагогика назарияси ва тарихи.
19:00:05 — Ижтимоий психология; этнопсихология;

Ҳужжатлар 2002 йил 15 майгача қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, 700027, Фурқат кўчаси, 1-уй.
Республика "Оила" илмий-амалий Маркази.
Мурожаат учун телефонлар:
45-15-59, 45-18-68.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Касаба уюшмаси қўмитаси ва фалсафа факультети жамоаси "фалсафа тарихи ва мантиқ" кафедрасининг собиқ доценти

Баҳром ТУРСУНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила-аъзоларига таъзия изҳор этади.

Республика таълим маркази жамоаси "Мактабгача таълим" бўлими бош методисти Насиба Ҳакимовага онаси

Раҳима ая ИСЛОМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қудратлидир тилимиз,
Маънили ҳар йилимиз,
Қалбга Ватан эҳтиёж биз,
Кўз қарағим, Истиқлол!

Ажойиб-ғаройиб, кишида кулгу уйғотадиган ноодатий бундай танловларни ўтказиш, албатта, маълум маънода фойдадан холи эмас.

Ko'ngil bitiklari

О, МУҲАББАТ...

Хўжа Маоз қабри узра тун сукунат ташлаган,
Бир гўзалнинг қабри бунда йигит кўзин ёшлаган.
Кўнгил энди майхонамас, бу маконга бошлаган,
О, муҳаббат, сен неларга қодирлигинг кўрсатдинг.

Ул париваш, қаро кўзда, инжу билан боққанди,
"Ахир, сизга ишонаман", — дея киприк қоққанди,
Ўзи асир юрагига яна ўтлар ёққанди,
О, муҳаббат, дил қатида зоҳирлигинг кўрсатдинг.

Бу дунёда севгининг ҳам ўз душмани бор экан,
Алданишу хиёнатлар, риё унга ёр экан.
Диллардаги нур, бебаҳо туйғу, унга хор экан,
О, муҳаббат, сен шу рашкнинг ботирлигин кўрсатдинг.

Туни билан уйғоқ, бедор, сени кутар ошиқлар,
Дил розини айта олмай, пинҳон ёнар маъшуқлар.
Дунё пайдо бўлибдики, сени куйлар қўшиқлар,
О, муҳаббат, маъданлардан нодирлигинг кўрсатдинг.

На бойлигу, на чиройу, на кучни тан олмайсан,
Сенга буйруқ берадилар, ўз йўлингдан қолмайсан,
Йўлларингда алдов, тўсиқ, сен курашиб толмайсан,
О, муҳаббат, севган қалбда ҳозирлигинг кўрсатдинг.

Дилором МАҲМУДОВА,
Андижон туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси

СЕН КУЛГАНДА

Сен кулганда дилбарим, гуллар чекар хижолат,
Баҳорларнинг бағрида гўзал бўлар тароват.
Сен кулганда кулгингни қушлар қилар тиловат,
Кулгуларинг жонимни хумор қилар, дилбарим.

Сен кулганда бу кўнгил ўзин бахтли сезади,
Юракдаги кемтиклар тўлиб-тўлиб ўсади.
Телба дунё ўзини кулгичингга осади,
Кулгуларинг бахтимни изҳор қилар, дилбарим.

Кулиб юргин, бошингда боқиб турсин ҳилоллар,
Мингта ошиқ лол бўлсин, интиқ қилсин висоллар.
Ҳавас қилсин бахтингга дунёда бор гўзаллар,
Кулгуларинг шоирни бедор қилар, дилбарим.

Ёқуб НОРСАИДОВ,
Бойсун туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси

КЎЗ НЕИРОҲ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

КЎЗ ҚАРОҒИ

Ғуруримда уйғониш,
Шууримда уйғониш,
Кўз нуримда уйғониш,
Зўр маёғим, Истиқлол!

Ўғил-қизлар хорижда,
Лондондаю Парижда,
Эрк баёни зўр мужда,
Сўз чироғим, Истиқлол!

Қудратлидир тилимиз,
Маънили ҳар йилимиз,
Қалбга Ватан эҳтиёж биз,
Кўз қарағим, Истиқлол!

Мустақиллик — бахтимиз,
Фаровонлик — ахдимиз,
Жаҳон билар шаҳдимиз
Кураш чоғим, Истиқлол!

Мухторжон ҚОСИМОВ,
нафақадаги ўқитувчи
Бувайда тумани

ЎТИНЧ

Туйқусдан чайқалиб кетди дарахтлар,
Бир сесканиб қуёш келди ўзига.
Айтилган бир сўзинг мени карахтлар,
Дунёни қоп-қора қилди кўзимга.

Бошимга урилди осмону фалак,
Тўзғиблар кетди-ку юлдузлар сафи,
Бир парча музгами айланди юрак,
Тақдир деганларнинг борми инсофи!..

Энди... қайга олиб кетай бошимни,
У ерларда қолиб... сени унутай.
Ҳеч ким кўрмасин-да кўзда ёшимни,
Кўз ёшимга фақат мен ўзим ботай!..

Абдусамат ГУЛБОЕВ,
Куйи Чирчиқ туманидаги
10-мактаб ўқитувчиси

УКАМ БОР

Қалдирғоч қош укам бор,
Нақш олма икки юзи.
Тонг юлдузидек чақнар,
Қоп-қора чарос кўзи.

Қаноатли, тоқатли,
Йиғлаб хафа қилмайди.
Кўп яхши одати бор,
Шўхлик нима билмайди.

Овқат берсам емайди,
Ўзи туриб юрмайди.
Ухлайди эртаю кеч,
Турғизмасам турмайди.

У севган овунчоғим,
Қўлдан қўймайман ҳар чоқ.
Аттанг, бир оз айби бор,
Жони йўқда, қўғирчоқ.

Кудратулла БОТИРОВ,
нафақадаги ўқитувчи

СУҲБУЛА

БОШОК (Дева)
24 августдан 23 сентябргача

Унсури — Ер. Ҳомийлари — Прозерпина, Уторуд (Меркурий).

Сунбуланинг кучи — унинг ақлида. Унинг олами — руҳий олам. Ташқи муҳит, теварак-атроф ва ҳодисаларга муносабатда у чуқур мушоҳадакорлик (анализ), босиқлик ва эҳтиёткорлик билан муносабатга киришади. Қарама-қарши жинс вакилига нисбатан ҳаддан ташқари кучли эҳтирос намоён этиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Чунки кишининг ўзини тўла намойиш этиши унинг учун жирканч туюлади. Қалбида у бутун инсониятга нисбатан қуйинчак севги туйғуси билан, инсониятни қутқариш ва тозалаш истаги билан яшайди. Сунбула турли тадбирларда ёки бирон бир фаолиятда ҳамма нарсани майда икир-чикиригача қисмларга ажратиб, тасниф этади, синчиклаб элакдан ўтказади. Унинг бу фазилати ва бунинг устига ишончлилиги ва топшириқларни бажаришдаги топқирлиги, ихтирочилиги катта фирмаларда ёки олий даражадаги зийраклик талаб этиладиган раҳбарлик ўринларида сунбулаларни алиштириб бўлмас ходимга айлантиради. Сунбула атрофидагилар ва ўз ҳаёти қониқтирмаслигидан нолиши мумкин. Бу эса уни иш жойи ва турар жойини алмаштириб туришга мажбур этади. Сунбулалардаги кўпгина жисмоний хасталиклар секин-аста кўпайиб борувчи зўриқишнинг оқибатидир. Соғлиқ масаласи Сунбулани керагидан ортиқ ташвишга солади. Бунинг сабаби ундаги туғма— касалликлардан қўрқиш туйғусидир. Сунбулага хос фазилатлар: таъсирланувчанлик, ўткир ва эҳтиёткор ақл, саранжомлик, тиришқоқлик, аниқлик ва тезфаҳмлилик, тартибга бўлган ички эҳтиёж. Сунбулаларда танқидий қараш ривожланган ва танқидий мушоҳада талаб этиладиган соҳаларда улар яхши ишлашади.

Ижобий фазилатлари: *хотиржам, бир маромли, ишга қобилиятли, майда қисмларгача эътибор беради, синчков, тажрибали, қарздорлик туйғуси кучли, содиқ, заковатли.*

Салбий хислатлари: *совуққон, фақат иш билан чегараланган, майда икир-чикирларга ҳам катта маъно беради, ўз соғлиғига нисбатан бадгумон, танқидчи, майдакаш, беҳаловат.*

Бурж вакиллари: *Абу Райҳон Беруний.*

Гёте, Дольтон, Драйзер, Э.Резерфорд, Л.Толстой, Майкл Жексон, Ш.Прабҳупада, Кортасар.

Munajjimlar bashorati

Xullas...

ГАЗЕТАНИ КИМ ЧИРОЙЛИ ТАХЛАЙДИ?

Бундай танлов эҳтимол ҳали ҳеч бир мамлакатда ўтказилмаган. Иштирокчиларнинг касби почтальонлик. Архангельск шаҳар алоқа бўлими маъмурияти ўз ходимларининг касбий маҳоратлари қай даражада эканлигини аниқлаб кўришга қарор қилди.

Буни қарангки, уларнинг барчаси аёллар экан. Газетани ким чиройли тахлайди? Иш дафтарига ким бехато ёзади? Танловнинг уйга вазифа қисми ҳам бор. Эски газеталардан аёллар сумкасини тайёрлаш, кераксиз деб топилган қоплардан ўзига хос юбкалар тикиш.

Барча шартларни аъло даражада бажарган Ирина хоним вилоят кўриктанловига қатнашадиган бўлди.

Ажойиб-ғаройиб, кишида кулгу уйготадиган ноодатий бундай танловларни ўтказиш, албатта, маълум маънода фойдадан холи эмас.

БОЛАСИ ТУШМАГУРНИНГ ШЎХЛИГИ

Кемероводаги ётоқхонанинг тўртинчи қаватидаги деразалардан бирида осилиб турган бола ўтган-кетганнинг диққатини тортмай иложи йўқ эди. 5 — 6 ёшлардаги бу зумраша, афтидан, тўртинчи қаватдан пастга осонликча сакраб тушиш қандай оқибатларга олиб келишига фаҳми етмаган бўлса керак.

Агар ётоқхона коменданти қутқарув хизматига сим қоқмаганида, улар келиб альпинистлар фойдаланадиган анжом ёрдамида чиқиб, болани пастга олиб тушмаганида, воқеа фожеали тугаши муқаррар эди.

Боласи тушмагурнинг қилиғи каби тили ҳам бийрон-бийрон экан. Унинг айтишича, онаси эшикни қулфлаб чиқиб кетибди. Қўрқиб кетган Серёжа дераза орқали кўчага отилган.

Қутқарувчилар туфайли эсон-омон қолган боласини кўрган онанинг севинчдан юраги ҳаприқиб кетса керак.

Боланинг шўх бўлгани яхши, аммо бу даражада эмас...

ҚУВНОҚ ВА РАНГ-БАРАНГ ШАХМАТ

Ашаддий шахмат ишқибози Владимир Еременкога қадим-қадимдан мавжуд бўлган тахта ва оқ-қора доналар зерикарли туюла бошлади. Наҳотки, доналарни бошқа рангларга алмаштириб ёки бўяб бўлмаса?

Ўйчи ўйлагунча таваккалчи ишини битиради. Владимир қораларнинг ярмини қизилга, оқларнинг ярмини кўкка бўяб чиқди. Қарабсизки, ранг-баранг фигуралар!

— Энди бу "тош"лар билан икки киши эмас, тўрт одам ўйнаши мумкин. Ҳар ким ўзининг ранги учун масъул, — дейди оқилона иш қилгандек Еременко. Унинг фикрича, кўз ўрганмаган ранг-баранг доналар билан мутахассислар ҳам қизиқиб кўришлари керак.

ana shunaqa gaplar

"2002 йил" КРОСС-СКАНВОРДИ

— Том, синфингизда энг ялқов ким?

— Билмайман.

— Ҳамма ёзаётганда ким ёзмай қараб ўтиради?

— Ўқитувчимиз...

***

Полковник генералга қўлга киритилган муваффақиятлар ҳақида ҳисобот бермоқда:

— ... қисмда айниқса, тартиб-интизом соҳасида улкан ютуқларга эришдик.

Шу пайт кия очиқ эшикдан солдат бош суқди:

— Эй, кария, машинангни миниб кетаяпман, хўпми?

Полковник ҳайратда қолган генералга ўгирилиб, деди:

— Мана, кўрдингизми, ярим йил олдин улар ҳатто сўраб ҳам ўтиришмаеди.

***

— Тушимда профессор бўлиб қолган эмишман. Тушнинг ўнгга айланиши учун нима қилмоқ керак?

— Камроқ ухлаш керак!

1. Халқ, улус. 2. Хордиқ. 3. Эгизак ака-укалардан бири. 4. Гиёҳ. 5. Ҳаё. 6. Келишик қўшимчаси. 7. Боғловчи. 8. Сатҳ. 9. 100 м². 10. Гача. 11. Баъзан. 12. Иккита беш. 13. Майса. 14. Тулпор. 15. ...сув. 16. Дарё (Волга ирмоғи). 17. Хотиннинг умр йўлдоши. 18. Дон тури. 19. Самолёт русуми. 20. Моҳир учувчи. 21. Иншоот. 22. Аваз... (шоир). 23. Тропик мева. 24. Халойиқ. 25. Чап. 26. Биринчи. 27. Энг пастки. 28. Қишлоқ (Фарғона тумани). 29. Садо. 30. От, исм. 31. Марҳум "Пахтакор"чи. 32. Насл. 33. Оға. 34. Сўз. 35. Жанубий-ғарбий Осиёдаги миллат. 36. Мактуб. 37. Жабр. 38. Артур.... Дойл (ёзувчи). 39. Чойхона жиҳози. 40. Юклама. 41. Тўда. 42. Сув. 43. Ёрдам. 44. Ҳукмдор. 45. Дона. 46. Ҳаром эмас. 47. Фойда. 48. Шоҳ ва шоир. 49. Оёқ қисми. 50. ...Пас (Боливия). 51. Иккиланиш. 52. Ўйин тури. 53. Меҳр —.. 54. Бошоқ. 55. Дарё (Миср). 56. Невара. 57. Шаҳар (Россия). 58. Сархуш. 59. Фарзанд. 60. Осмон. 61. Ота (Сараб). 62. Ўч. 63. Нота. 64. ...тек (оромгоҳ). 65. Кекса. 66. Бозор. 67. Вилоят, шаҳар. (Тожик). 68. Исм (қиз, русча). 69. Олим. 70. Қитъа. 71. Чой тури. 72. Сабзавот. 73. Олд қўшимча. 74. Вилоят, дарё. 75....га (пойтахт). 76. Илм—... . 77. Ол. 78. Кондиционер. 79. ... — улов. 80. Тис... (дарё). 81. Эркак. 82. Пойтахт (Африка). 83. Номус. 84. Коллектив. 85. Тасдиқ. 86. Гай.. (иншоат) 87. Кураш тури. 88. Ишора. 89. Шаҳар. 90. Боладан катта. 91. Брюс... (актёр). 92. Отаси. 93. Эн —...—си (ТВ). 94. Йўл. 95. Асрор. 96. Эртак. 97. Боқий дунё. 98. ...—ҳаво. 99. Ўртоқ. 100. Реформа. 101. Иш (уй) жиҳози. 102. Оқшом. 103. Алвон. 104. Ҳид, бўй. 105. Нота. 106. Миллат. 107. Сигарета номи. 108. Дарахт. 109. Лекин. 110. Ижодкор. 111. Олмош. 112. Машғул. 113. Мотам. 114. Металл. 115. ...— қиммат. 116. Билан. 117. Мусиқа йўналиши. 118. Давлат. 119. Миннатдор. 120. Тажриба. 121. Банди аёл. 122. Курси. 123. Нота. 124. Тоғ, туман. 125. Исм (қиз). 126. Шаҳар (Туркия). 127. Судралувчи 128. Қадаҳ. 129. Ханда. 130...—Би—Си (радио). 131. Қариндош. 132. Эй. 133. ...мош (Сўз туркуми). 134. От гўшти. 135. Самолёт русуми. 136. Газета (Франция). 137. Ҳашарот. 138. ...— суф. 139. Асло. 140. ....—курс. 141. Сифатли. 142. ...— хатиб. 143. Пастқам. 144. Исм (ўғил). 145. Исо ... (пайғамбар). 146. Меросхўр. 147. Рақс ҳаракати. 148. Дарё (АҚШ). 149. Таом. 150. Бегона. 151. Давлат (Осиё). 152. Касаллик. 153. Меҳнат. 154. Ҳурли...(гўзал). 155. Чуқурлик. 156. ...—Термизий. 157. Нота. 158. Ер йўлдоши. 159. Тоғ (Осиё). 160. ...— соч. 161. Мағриб. 162. Ҳасса. 163. Исм (қиз). 164. ЕВ...(пул бирлиги). 165. Аъзо. 166. Иш ҳақи. 167. Айёр. 168. Етишмовчилик. 169. Қулун. 170. Фоний. 171. Шаҳар, вилоят. 172. Чолғу асбоби. 173. Кўркам. 174. Ингичка,майда. 175. 30 кун. 176. Бўтқа. 177. Одим. 178. Бўшанг, содда. 179. Нота. 180. Ос...(пойтахт). 181. Эътиқод. 182. Уй ҳайвони. 183. Шаршара. 184. Этик тури. 185. 3х2 186. Хати ... (дарё). 187. Самолёт русуми. 188. Қават. 189. Ҳам...(йўлдош). 190. Тоифа. 191. Пойтахт (Европа). 192. Назорат. 193. Туман. 194. Марҳамати. 195. Ёвойи бола. 196. Ўзбек шоираси. 197. Қўнғиз тури. 198. Зор... (фильм). 199. Ошхона жиҳози. 200. Нота. 201. Қон томири 202. Тўй. 203. Жароҳат. 204. Дам 205. Айрон. 206. Тоғ (Осиё). 207. "Зита ва..." фильм. 208. Оёқ ўрни. 209. Мурда. 210. ..лотун (файласуф). 211. Ўрта асрлардаги машҳур араб тазкирашуноси... Саолибий. 212. Ранг. 213. Штат (АҚШ). 214. Ҳажв. 215. Сарсон. 216. Тўти тури. 217. Патрон. 218. Ёзувчи. 219. Ҳилол. 220. Яккакураш тури. 221. Ҳайвон. 222. Дона. 223. Дарё (Россия). 224. Балиқ тури. 225. Мучал йили. 226. Муҳаммад ... (боксчи). 227. Суюқлик. 228. Иккита. 229. Кам. 230. Нағал. 231. Озғин. 232. Томир. 233. Мазҳаб. 234. Самолёт русуми. 235. Қариндош. 236. Давлат (Осиё). 237. Юрак. 238. "Жигули". 239. Калла. 240. Сигарета номи. 241. Ўчган чўғ. 242. Зу... (қон сўрувчи).

Тузувчи: Исмоил МУСО



Qutlov!

Ҳурматли Ғайрат Тўрақулов!

Сизни таваллуд айёмингиз билан табриклаб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва оилавий бахт тилаб қоламиз. Сизни барча жамоамиз аъзолари ўз касбининг моҳир устаси сифатида ҳурмат қилади ва педагогик ишларингизга омад ёр бўлишини истаб қолади.

Ҳурмат билан Тошкент Молия институти ҳисоб-иқтисод факультети жамоаси ва ХБА - 96 гуруҳ талабалари

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-330.
Тиражи 28090 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00